Ishonch

2010-yil 2-fevral № 14-15 (2740) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади билан ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга

«...Сенат — бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бу қонунларни ўзлари вакили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эгадир. Шунинг учун ҳам Сенат томонидан бирон-бир қонун қайтарилган вазиятда тақдим этилган лойиҳаларнинг моҳияти ва маъно-мазмуни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган бахс-мунозараларни биз демократик парламент ишининг табиий ва соғлом шакли сифатида кўришимиз даркор».

Масъулият ҳисси

Халқ ишонч билдириб Боғот туман кенгаши депутатлигига сайлагандан кейин эзгу ниятларнинг оғирлиги елкамга тушганини ҳис этдим. Бу менда бир қўрқувни келтириб чиқарди, десам нотўғри бўлар. Аксинча, ниятларимга журъат, ғайрат қўшилгандек бўлди. Нокамтарлик бўлмасин-у, Олий Мажлис Сенати аъзолигига сайланганимда, унинг масъулияти мени тамомила ўйлантириб қўйди.

Юртбошимизнинг Сенатнинг биринчи мажлиси ва парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларини тинглар эканман, сенатордан талаб этиладиган масъулиятни, олдимизда қанчалар салмоқли ва улкан вазифалар турганини юракдан англадим.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдан кўзланган мақсад ҳаётимизни тубдан янгилаш ва яхшилаш экан, бунга қонуний асосларсиз эришиб бўлмайди. Қонунларни умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш эса нафақат уларнинг мукаммаллигини, ҳаётийлигини ҳам таъминлайди. Шу тариқа қонунларимиз жамият равнақи учун хизмат қилади. Ахир қонун фақат бугунги кун учун меъёр бўлиб қолмасдан, келажагимиз учун ҳам пойдевор бўлмоғи лозим. Бундай мукаммалликка эса юртбошимизнинг маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни оғишмай амалга ошириш орқалигина эришишимиз мумкин.

Президентимизнинг маърузаларини тинглаб ва қайта-қайта ўқиб, мамлакатимизнинг келажаги буюклигига ишончим янада ортди. Юртимизнинг эркин фуқаролик жамияти қуришдаги собитқадамлиги, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатининг оқилона ва одиллиги бу ишончга қувват беради.

Шакаржон ХЎЖАНИЁЗОВА,
сенатор, Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

«Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор».

Доимий, катта ғамхўрлик

Президентимизнинг маърузасини бошқалар қатори қизиқиб тингладим, эртаси куни матбуотда ўқиб чиқдим. Изчил таҳлилий, конструктив танқидий, хулоса, ғояларга бой, вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган маъруза ҳаммамизда чуқур таассурот қолдирди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда, барча жабҳаларда оммавий ахборот воситалари бевосита ва билвосита муҳим рол ўйнаши, тўртинчи ҳокимият вазифасини адо этиши алоҳида таъкидлангани бизни бениҳоя руҳлантирди. Ўтган куни ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултетидаги Қонунчилик палатаси депутати Олимжон Ўсаров, сенатор Фармон Тошев иштирок этган йиғилишда бу хусусда кенг фикр алмашилди. Юртбошимиз этилиши билан, қонунга ҳурмат эса унинг қай даражада қўлланаётганлиги билан белгиланади. Шу сабабли, қонунларнинг қўлланишини ўрганиш, парламент назоратининг турли шаклларидан фойдаланиш қонун чиқарувчи орган фаолиятининг ушбу маърузасида журналистика муаммоларига ҳар қачонгидан кенг қўламли, батафсил тўхталганлиги алоҳида таъкидланди. Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, жаҳон стандартлари даражасига етказиш, ички ва ташқи сиёсатни, юртимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фаолроқ ёритиш учун қўшимча шароит яратиб бериш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қимматли фикрлар журналистикамизга кўрсатилаётган изчил ғамхўрлик натижасидир. Бу хусусда маърузада айтилган ҳар бир жумла замирида катта маъно, даъват борлигини ЎзМУ ва ЎзДЖТУ журналистика факултетларида қирқ йилдан буён талабаларга сабоқ бериб келаётган педагог, мутахассис сифатида чуқур ҳис қилдим ва ғурурга тўлдим.

Таклифларим: журналистика факултетлари моддий-техника базаси субъектив омилларни аниқлаш, камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатларига амал қилиш масъулиятини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий фаолиятдир.

Мамлакатимизда парламент назорати институти Ўзбекистон Конституциясининг 86-моддасига асосланади. Зотан, Ўзбекистонда парламент назорати давлат бюджетини тасдиқлашда ҳам, унинг ижроси устидан назорат қилишда ҳам, тайинланадиган ва сайланадиган мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиб боришда ҳам, ижро ҳокимиятига ва унинг мансабдор шахсларига сўров ҳуқуқида ҳам мужассамлашган.

Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, парламент назорати барча шаклларининг муҳимлигига бирдек эътибор қаратиш ва уларнинг самарадорлигига эришиш, жумладан, улар бўйича олиб борилган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш ва бундан жамоатчиликни етарлича хабардор этиш, қолаверса, парламент назорати натижалари устидан мониторинг юритиш, энг муҳими, парламент назорати жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш орқали норматив ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этишга эришиш лозим.

Дарҳақиқат, парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар фракциялари алоҳида ўрин тутади. Чунки палаталарнинг ҳар бир қўмитаси тармаъруза айтилганидек мустаҳкамланса; янги техник аппаратлар, замонавий жиҳозлар билан тўлиқроқ таъминланса; нашрлар, каналлар, дастурлар кўпайиб бораётганлиги, эҳтиёжнинг катталиги ҳисобга олиниб, бакалавр, магистрларга қабулда ўрин кўпайтирилса; номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси учун махсус кенгаш тузилиши тезлаштирилса.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Ўзбекистон Президенти Корея Республикасига ташриф буюради

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 феврал кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир».

Парламент назорати

самарадорлигини ошириш давр талаби

Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишида Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор вазифамиздир» номли маърузасини катта қизиқиш билан тингладим. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти йўлида бажариладиган устувор вазифалар белгилаб берилиши билан бирга палаталар ўтган даврда имкониятларидан етарлича фойдалана олмаганлиги, депутатлар ва сенаторларда ташаббускорлик етишмаганлиги, йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди. Айниқса, палаталарнинг назорат фаолияти борасида Президентимиз маърузасида билдирилган танқидий мулоҳазалар ғоят ўринлидир.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, қонун устуворлигини таъминлаш юртбошимиз томонидан Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуришнинг энг муҳим шарти сифатида белгилаб берилганлиги бежиз эмас. Чунки қонуннинг қабул қилиниши – ҳуқуқий тартибга солишнинг илк босқичи холос. Зеро, қонуннинг бош вазифаси унинг ҳаётга татбиқ этилиши билан, қонунга ҳурмат эса унинг қай даражада қўлланаётганлиги билан белгиланади. Шу сабабли, қонунларнинг қўлланишини ўрганиш, парламент назоратининг турли шаклларидан фойдаланиш қонун чиқарувчи орган фаолиятининг аниқ мақсадларга эга бўлган ғоят муҳим йўналиши ҳисобланади.

Шу ўринда парламент назоратининг аҳамияти ҳақида икки оғиз сўз. У умумжаҳон парламентаризмининг муҳим элементи бўлиб, моҳиятига кўра ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини ўрганиш, конституция ва қонунларни ижро этувчи ҳокимият органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳаётга татбиқ этиш ҳолатини кузатиш, қонунларнинг қўлланишига салбий таъсир этувчи объектив ва

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ishonch
2010-yil 2-fevral №14-15 (2740)

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади билан ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга



«Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак».

Бугуннинг талаби

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, пировардида, халқ фаровонлигига эришиш энг долзарб вазифа ҳисобланади. Бу масала Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда парламент палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида батафсил ёритилиб, палаталарнинг беш йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, янги сайланган депутатлар ва сенаторлар олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Икки палатали парламент ўзўзидан пайдо бўлгани йўқ ва ундан кутилган натижа ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

Айрим масалалар, хусусан, *баъзи жойлардаги ва соҳалардаги ижро интизомининг, қонунлар ижросининг талабга жавоб бермаслиги, фуқаролар хоҳиши, талаб ва эҳтиёжларини менсимаслик, бюджет маблағларининг талон-тарож қилиниши, аҳолининг ижтимоий-сиёсий масалаларда етарли тажриба ва билимга эга эмаслиги, жамиятда кечаётган воқеаларга нисбатан дахлдорлигининг етишмаслиги ва ҳоказолар* парламент тизими ва унинг фаолиятини ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарганди. Негаки, демократик жамиятнинг асосий шартларидан бири — халқчил, ишончли ва адолатли қонунларни қабул қилиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонун устуворлигининг таъминланишидир.

Бир аччиқ ҳақиқатни айтай, халқнинг хоҳишини тўлиқ инобатга олмасдан туриб қонунларни қабул қилиш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг етарли эмаслиги демократик жараёнларга, қонунлар ижросини тўла-тўкис таъминлашга халақит беради. Бунинг оқибатида келиб чиқадиган турли даражадаги адолатсизлик, қонунбузарликлар фуқароларнинг ҳаётдан норозилигига сабаб бўлади.

Юртбошимиз парламент фаолиятига ижобий баҳо бериш баробарида унинг камчиликларини ўринли танқид қилди. Янги сайланган депутатлар бундан хулоса чиқариши, иккинчи бор сайланганлар эса фаолиятида туб бурилиш ясаши, минглаб сайловчиларнинг хоҳишини рўёбга чиқаришга интилиши лозим.

Сиёсий партиялар дастурлари турлича бўлса-да, мақсад муштараклигини, миллий истиқлол ғоясини қарор топтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ўзининг ҳақиқатан ҳам етакчи куч эканлигини намоён қилмоғи даркор.

Тан олишимиз керак, сиёсий партияларнинг турли даражадаги вакиллик органларидаги вакилларининг кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишдаги ролини, айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Ҳаётда учрайдиган айрим масалаларни ҳал этиш, турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни енгиб ўтиш, ижро ҳокимиятидаги мансабини суиистеъмол қиладиган айрим раҳбарларни тартибга чақиришда фаоллик етишмайди.

Ачинарлиси шундаки, бугунги кунда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун яратиб берган имкониятдан ҳануз тўлиқ фойдаланмаяпмиз. Агар партияларнинг бошланғич ташкилотлари жойларда буйруқбозлик, маҳаллийчилик ва нохолисликка нисбатан муросасиз бўлса, ижро ҳокимиятининг халқнинг талаб ва эҳтиёжларига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиришга эришса, аҳоли олдида ҳокимият органларининг ҳисоботини эшитишни ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйса, хуллас, одамларга нафи тегсагина партиянинг нуфузи ортади. Бу мақсадларга эришишнинг энг мақбул йўли — бевосита халқнинг хоҳишини рўёбга чиқарувчи қонунчилик таъминотини яратиш ва унинг ижросига эришишдир.

Халқчил, ҳар томонлама мукаммал қонунларни қабул қилиш ва уларни такомиллаштириш учун жамоатчиликнинг фикрини чуқурроқ ўрганиш зарур. Ҳудудлардаги барча маҳаллий ташкилот ва идоралар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, аҳолининг турли табақалари орасида, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида мунтазам равишда давлатимизнинг оқилона сиёсатини, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ва натижаларини, миллий истиқлол ва партия ғояларини тарғиб қилиш, бир сўз билан айтганда, элнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш ютуқларимизнинг энг муҳим омили эканлигини унутмаслигимиз керак.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Эзгуликка йўл таълимдан бошланади

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши борасида 2009 йилда барча куч ва имкониятларнинг сафарбар этилиши натижасида глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига қарши амалга оширилган кенг кўламли ишлар атрофлича таҳлил этилди. Жумладан, инқироз шароитида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва ўсиш таъминлангани таъкидланди. Шу билан бирга, ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалаларига ҳам эътибор қаратилгани, ушбу мақсадлар учун 2009 йилда 2,5 миллиард доллар миқдорида капитал маблағлар йўналтирилгани, бу эса ўзлаштирилган жами капитал маблағларнинг 27,8 фоизини ташкил этгани ҳам айтиб ўтилди.

Таълимнинг ўзбек модели сифатида таърифланаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури бир-бирини тўлдирганлиги ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

1997 йил 29 августда биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган икки муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатлар таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг улкан миқёсдаги ва узоқ муддатли дастури сифатида соҳа ривожини таъминлади.

Бугун республикамиз шаҳарларидагина эмас, олис қишлоқларида ҳам замонавий мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири ўзи жойлашган ҳудуд учун жаҳон андозасидаги жиҳозлар билан таъминланган илмий-маданий марказга айланмоқда.

Ўтган йилларда мамлакат миқёсида асрга татигулик ишлар қилинди. Замонавий колледж ва лицейларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 мингдан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётгани бизнинг энг катта ютуғимиз бўлди. Бир ўйлаб кўрайлик: бундан 10-15 йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасалари қай аҳволда эди? Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланиши, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизимининг кенг кириб бориши кимнинг хаёлига келар эди?

Айниқса, 2009 йилда бу борадаги ишларимиз янги босқичга кўтарилди. Юртимизда 1957 та мактаб қурилиб, реконструкция қилинди. Уларнинг 1622 таси қишлоқларда экани эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, 2009 йилда барпо этилган 214 та лицей ва коллежнинг 170 таси ҳам қишлоқларда жойлашган. Ана шундай замонавий билим даргоҳларини барпо этиш ва жиҳозлашга 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани таълимга жуда катта эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Тармоқ Марказий кенгаши давлат дастурлари бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Етук кадрлар тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодларни рағбатлантириш ҳам эзгу ишлардан ҳисобланади.

Жойлардаги тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларига «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида касаба уюшма аъзолари, айниқса, аёллар, уларнинг фарзандлари, талаба ва ўқувчилар, ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар киритилди. Ўтган йили жамоа шартномалари асосида 16014 нафар қишлоқда истиқомат қиладиган кам таъминланган оилалар вакилларига 464 млн. сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 9908 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 127 млн. сўмликдан ортиқ ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди. 2009- 2010 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 39 нафар етим ва кам таъминланган талабанинг контракт пулини Марказий кенгаш тўлади. Кенгаш томонидан истеъдодли, ўқиш ва жамоат ишларида фаол талабаларга устама стипендиялар берилади, кам таъминланган иқтидорли аспирант ва ўқувчиларнинг 78 нафарига устама стипендия таъсис этилган.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ўқитувчи ва мураббийларимиз чин маънода қадр топмоқда. Марказий кенгаш томонидан Абдулла Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти тинговчиларининг шароитини яхшилаш, ўқув жараёнидан фойдаланиб, уларни соғломлаштириш мақсадида ўтган йили 5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини юмшатиш ва олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Сирдарё вилоятидаги кам таъминланган оилаларга 7 миллион сўмлик қорамол олиб бериш эвазига 10 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, Яккасарой туманида «Фан ва таълим полиграф» МЧЖ босмахонаси ҳамда Бўстонлиқ туманидаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи иш бошлади. Бешариқ туманида «Устоз» санаторийси, Самарқанд шаҳрида туристик меҳмонхона очиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бундан ташқари,3 та мактабга 6 та тикув машинаси олиб берилди. Самарқанд вилоятида ҳунармандчилик устахоналари ташкил этилиб, 17 та, Паркент тумани мактаблари қошида сартарошлик ва этикдўзлик устахонаси очилиб, 16 та, Хатирчи тумани таълим муассасаларида чорвачилик ёрдамчи хўжаликлари ҳисобидан 42 та иш ўрни яратилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг жорий этилиши ёшларнинг соғлом, илиги тўқ, суяги бақувват бўлиб улғайишида асосий омил бўлмоқда. Бу тизим биринчи синф ўқувчисидан то олий ўқув юрти талабаларигача қамраб олган. Ушбу мусобақаларни ўтказишда Марказий кенгашнинг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар касаба уюшмаларининг жойларда ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларида кенг халқ оммасига етказилмоқда.

Яқинда эълон қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида таълим ва фан ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланди. Бу борадаги вазифаларни дастур асосидаги тадбирларимизга ҳамда жамоа келишуви ва шартномаларига киритиш орқали амалга оширамиз. Ҳали олдимизда таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона фойдаланиш, замонавий ахборот ва компютер технологиялари, интернет тизимини нафақат билим даргоҳлари, балки ҳар бир оилага олиб кириш учун замин яратиш, ўқув дастурлари ва қўлланмаларини такомиллаштириш, Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораториялар ташкил этиш, мутахассисликларни замон талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаси битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича республика миқёсида мувофиқлаштириш марказини тузиш, ривожланган мамлакатлар илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик қилиш, «Ishonch» газетаси билан ҳамкорликда иқтидорли ёш ижодкорлар танловини уюштириш каби улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу масалаларни ҳал этиш учун ғайрат билан бел боғлаганмиз.

Носирхон АКБАРОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси

«Қисқача айтганда, жафокаш афғон заминида тезрок тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамияти, авваламбор иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур. Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан, аввало, унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир».

Қўшнинг тинч – сен тинч

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасини телевидение орқали тинглар эканман, америкалик таҳлилчи Фредерк Старрнинг: «Ўзбекистон 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан анча олдин дунё ҳамжамиятини Афғонистондан чиқаётган минтақавий хавфсизликка таҳдидга эътибор қаратиш ҳамда терроризмга қарши курашиш зарурлиги ҳақида бир неча бор огоҳлантирган эди», — деган гапини эсладим. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан доимий равишда баён қилиб келмоқда. 1993 йили давлатимиз раҳбари БМТ Бош ассамблеясида сўзлаган нутқида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига қаратган эди. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистоннинг ташаббуслари халқаро миқёсда ҳамиша мунозарасиз қарши олинган. Шу ўринда БМТ томонидан қўллаб-қувватланиб, 1999 йил июл ойида мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган халқаро анжуманда қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси»да ҳам Ўзбекистоннинг Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ғояси асосий ўрин тутган эди. Ислом Каримов 2000 йил сентябр ойида БМТнинг Мингйиллик ассамблеясида ҳам халқаро жамоатчиликни Афғонистонда вужудга келган ниҳоятда таҳликали вазиятдан огоҳ этганди. Орадан бир йил ўтиб, 11 сентябр воқеалари бу огоҳлантириш қанчалик ҳаққонийлигини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил ноябрда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбулда, 2008 йили НАТОнинг Бухарестда бўлиб ўтган саммитларидаги ташаббуслари ҳам Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосига ҳеч қачон бефарқ бўлмаганидан далолатдир. Президентимизнинг «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси ҳақида гапирган америкалик эксперт Ф.Старр: «Минтақа мамлакатлари орасида айнан Ўзбекистонда афғон муаммоси энг тўғри ва теран англаб етилган», — дейди. Хитойнинг «Jenin Jibao» газетасида ўтган йили босилган «Ўзбекистоннинг афғон муаммосини тартибга солиш ҳақидаги ташаббуси» номли мақолада таъкидланганидек, «Халқаро ҳамда экспертлар ҳамжамияти Ўзбекистон ташаббусига жиддий эътибор қаратмоқда ва уни ҳар томонлама ўрганмоқда».

Жаҳон ОАВ хабарларида аксилтеррор операциялари чоғида тинч аҳоли — аёллар, болалар ва қариялар бомбалар, снарядлар остида қурбон бўлаётгани айтилади. Бу эса оддий одамларда халқаро кучларга нисбатан ишончсизлик пайдо қилмоқда.

Президентимиз парламентнинг қўшма мажлисида «энг муҳими, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини ҳурмат қилиш зарур, бошқача айтганда, аввало халқни ҳурмат қилиш, кейин ақл ўргатиш керак»лигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, Афғонистон ноёб тарихи ва маданиятига эга бўлган, кўп элатли ва кўп конфессияли давлат бўлиб, бу ерда халқ менталитети, унинг тақводорлигини ҳар томонлама инобатга олиш, уларни менсимаслик ёки топташ ўрнига, аксинча, ҳурматини жойига қўйиш тақозо этилади.

Мустақилликка эришгандан буён Ўзбекистон афғон муаммосининг ечимини топиш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатларда етакчилик қилмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг кенг қамровли ва ҳаётий «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил қилиш ташаббуси халқаро ҳаракатлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Афғонистонга иқтисодиётни тиклаш учун кенг миқёсли ёрдам бериб келаяпти. Жумладан, темирйўллар қуриш, электр энергияси билан таъминлаш, қазилма ишларини, қишлоқ хўжалигини, ирригация, таълим ва мутахассислар алмашинувини ривожлантириш ҳамда қурилиш асбоб-ускуналари, металлар, ўғитлар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Америкалик таҳлилчи Э.Уимбушнинг «Ўзбекистоннинг ёрдамисиз Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва иқтисодий ривожланишга эришишни тасаввур қилиб бўлмайди» деган фикри тўла асосларга эга дейиш мумкин.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
сиёсий шарҳловчи

Термиз давлат университети тарих факултетининг манбашунослик, тарихшунослик ва махсус фанлар кафедраси ҳузурида «Истеъдод» гуруҳи ташкил этилиб, унга изланувчан талаба-ёшлар жалб қилинди.

Суратларда: Зебо Бобоқулова; профессор С.Турсунов талабалар билан.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

ЎҚУВ

ЎзҚУФК ўқув марказида 25-30 январ кунлари Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳуқуқшунослари ва меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассисларининг ўқуви бўлиб ўтди. Билимларни бойитишга хизмат қилган ўқув давомида иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига ҳам саёҳат қилишди. Шундай тадбирларнинг бирида биз фаоллар билан муаммо ва ютуқлар хусусида фикрлашдик.

Яхши йўлда йўлдош кўп

— Ўзбекистонда яшаб Темурийлар тарихи давлат музейига биринчи бор келганимдан, очиғи, бироз ўнғайсизландим, — дейди Бухоро тумани тармоқ касаба уюшмаси ҳуқуқшуноси Ҳусан Жумаев. — Бу ерда ўзингизни ўтмишга бориб қолгандек ҳис қилар экансиз. Менимча, фахрланишга арзирли ўтмишимиз ҳақида ёрқинроқ тасаввурга эга бўлиш, бунинг учун музейларимизга тез-тез бориб туриш керак.

Зокиржон Азизов, Наманган вилоят кенгаши меҳнат муҳофазаси мутахассиси:

— Касаба уюшмаси ҳар қандай шароитда ҳам ходим манфаатларини устувор деб билиши шарт. Бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун ҳатто судгача бориш мумкин. Буни амалиётда ҳам қўллаяпмиз. Наманган ёғ-мой комбинатининг иш ҳақидан қарзи 220 млн. сўмдан ошиб кетганлиги учун шаҳар касаба уюшма вакиллиги томонидан судга берилди. Наманган ва Мингбулоқ туманларидаги вакилликлар фаолиятида ҳам шундай ҳолат мавжуд.

Авазбек Мўминов, тармоқ касаба уюшмасининг Асака тумани вакиллиги ҳуқуқшуноси:

— Ҳозир яна бир муаммо пайдо бўлмоқда. Ҳокимликларда ҳафтасига беш марталаб йиғилиш ўтказилади. Фермернинг вақтини йиғилишларга совураяпмиз. Ер эса эгам мажлисда деб кутиб ётмайди. Деҳқон ишласагина пул топади, баҳона билан ерни алдаб бўлмайди.

Яқинда ҳоким ва прокурор номига таклиф киритдик. Фуқаролик кодексида ташкилотларни тугатиш тартиби келтирилган. Ҳозир фермер хўжаликларини оптималлаштириш жараёни кетмоқда, яъни эски хўжалик тугатилиб, янгисига қўшиб берилади. Лекин бир нозик жиҳат борки, хўжалик баланс ҳисоби чиқарилмасдан тугатилмоқда. Энди унинг қарзи, тугалланмаган харажати нима бўлади? Иш ҳақидан қарзи бўлса-чи? Меҳнат дафтарчасига хўжалик тугатилганлиги сабабли аъзоликдан бўшатилди деб ёзиш керак. Бу масалалар ҳал қилинмай қолиб кетмоқда. Ҳокимнинг қарори чиқмасдан туриб, ҳокимият фермер хўжалигининг муҳрларини йиғиб олаяпти. Ахир у ишини ҳали тўлиқ тугаллагани йўқ, чунки банк билан боғлиқ ишлари муҳрсиз қандай битади?

Фермерларнинг устав жамғармасини шакллантириши масаласи кўтарилмоқда. Ҳар бир фермер жамғармага 5 млн. сўмдан маблағ қўйиши керак экан. Хўжалик ташкил қилинаётганда ўзининг низомида белгилаб қўйган: устав жамғармаси 2 млн. ёки 5 млн. сўм бўлади деб. Ўша вақтда масъуллар у устав жамғармасига керакли маблағни қўйдими ёки йўқ — қизиқиб кўришмади. Ахир ҳар қандай ишнинг ривожи маблағга боғлиқку! Энди бу масала кўтарилди-ю, устав жамғармаси бу йилга 5 млн.дан, кейинги йилга 7 млн.дан этиб белгиланди. Бу ҳокимлик ёхуд қишлоқ хўжалиги бошқармаларида ўтирган мутахассисларнинг, аввало, малакаси етишмаслиги, қонунни билмаслиги, қолаверса, ўз ҳолича иш кўраётганидан далолат. Бу камчиликлар табиий равишда касаба уюшмаси фаолиятига салбий таъсир этаяпти.

Ҳа, билдирилган фикрлар кескинлиги билан ҳам кишини мулоҳазага чорлайди. Касаба уюшмасининг фаоли номига сазовор бўлган инсон борки, бундай хусусият унга ҳамиша эш. Айтилган муаммо ва мулоҳазаларнинг ҳақлиги ҳаёт дарсида ўз аксини топмоқда. Энг асосийси эса улардан тўғри хулоса чиқариш ва навбатдаги режаларни шу асосда белгиламоқдир. Зеро, ҳақли танқид жамиятнинг юксалишига хизмат қилаверади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Камолот ва кафолот

Ўтган йили сентябр ойида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ўртасида «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати» танловини ўтказиш бўйича битим имзоланган эди. Унда қишлоқдаги ёшларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, янги иш жойларини ташкил қилиш, кичик бизнесни ривожлантириш кўзда тутилган.

Яқинда ушбу танлов якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўтган даврда мазкур лойиҳа доирасида жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳларга 1700 нафар ёш тадбиркор мурожаат этди. Шулардан республика босқичида ғолиб чиққан 13 нафарига имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида сертификат берилди. Шу билан бирга, ғолиблар ҳомийлар ва ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2010 йил мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. Шунинг учун йиғилишда мазкур танловни анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида гапирилган эди

Кредит ҳисобига

50 миллион сўм даромад

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ҳамда иқтисодиётнинг агросаноат сектори корхоналарига кредит бериш ва уларни молиялаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш, шунингдек, аҳолига ҳамда қишлоқ тадбиркорларига кенг кўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Хўш, шундай экан, ушбу молия муассасасида юқоридаги қарор қандай ижро этилмоқда? Бу борадаги ишлар билан танишиш мақсадида «Агробанк»нинг Андижон вилоят бошқармасида бўлдик. Бизга тақдим этилган маълумотларга қараганда, бошқарманинг вилоят бўйича 16 та филиали ва 36 та минибанки мавжуд экан. Улар асосий эътиборни иқтисодиётнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, мижозларни кўпайтириш, бизнес-режа ва бюджетни бажаришга ҳамда фойда олишга қаратган.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисол келтирсак. Ўтган йили капиталлашув даражаси 10 млрд. 484 млн. 100 минг сўмга тенг бўлди. Бу эса мижозларни кредитлаш имкониятини кенгайтирди. Агар бултур жамият активларида кредит қўйилмаларининг миқдори 91 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этган бўлса, шунинг 85 млрд. 267 млн. сўми мижозларга кредит сифатида ажратилди.

Қишлоқлардаги юқори инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига 11 млрд. сўмга яқин қарз берилди.

— «Агробанк»ка раҳмат, — дейди Андижон туманида яшовчи тадбиркор Маъмурахон Бозорбоева. — Ўтган йили ўз уйимизда фалаж, ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам берувчи «Умр» жамоатчилик маркази Андижон туман бўлими қошида «Баҳор зуҳро юлдузи» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган эдим. Мақсад — трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Бозорни яхшилаб ўргангандик. Лекин маблағ камлик қилиб, ишимиз юришмай турганди. Шуларни ўйлаб «Агробанк»нинг Андижон шаҳар бўлимига бордим. «Равшан Бекмирза» фермер хўжалиги ҳам шундай қилди. Хўжалик Хитой усулида иссиқхона қуриш учун «Агробанк»нинг Пахтаобод филиалидан 100 млн. сўм қарз олди. Ушбу маблағ ҳисобидан 1,5 гектар майдонга помидор ва бодринг кўчатлари ўтқазилган бўлиб, йил якуни бўйича 50 млн. сўм даромад қилиш режалаштирилган.

— Банкимизнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш бўлганлиги боис, фермерларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейлар ажратилиб, факторинг хизматлари кўрсатилди. Натижада, бир нечта комбайн, тракторлар, тиркамалар, култиваторлар, сув насослари сотиб олинди. Бу ва бошқа техникалар ёрдамида ўтган йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Шунингдек, вилоят «Пахтасаноат» бирлашмасига айланма маблағини тўлдириш, уруғлик чигитни дорилаш ва бошқа ишларда ёрдам қилинди. «Қишлоққўжаликкимё» ҳиссадорлик жамиятига ҳам кредит берилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида катта ўзгариш бўлди. Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар қишлоқларда кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш имконини берди. Натижада, илгари буткул давлатники бўлган ердан омилкор фермерлар самарали фойдалана бошлади. Уларга ишни йўлга қўйишда кўмак бериш банкларнинг вазифасига айланди. Андижон вилоятининг ўзида ўтган йили юқоридаги банк томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига 4 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилган. Шахсий томорқада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қорамол ва парранда боқиш, балиқчиликни ривожлантириш учун берилган қарзлар шулар жумласидандир.

Бошқарма бўлимлари томонидан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги низом талабларини бажариш юзасидан ҳам зарурий чоралар белгиланди. 2009 йилда ғалла етиштиришга 11 млрд. 202 млн., пахтага 29 млрд. 950 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. Бундан ташқари, ғалладан бўшаган ерларга экиш учун уруғлик картошка сотиб олишга 648 млн. сўм қарз ажратилди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ishonch» мухбири





Ishonch
2010-yil 2-fevral №14-15 (2740)

Баркамол авлодга қанот бераётган илм маскани

Мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув юрти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мақомини олганига ўн йил тўлди.

Суратда: Ўзбекистон Миллий университети талабалари.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Етакчи минбари

Масъулият

Бундан беш йил илгари менга тилаклар билдирилиб, бошланғич ташкилот етакчилигига сайлашганди. Ҳар ҳолда, жамоанинг ишончини қозонишга, ҳақ-ҳуқуқларини ваколатим доирасида ҳимоялашга интилдим. Иш берувчи ҳамда меҳнаткашлар ўртасида кўприк бўлиш, ҳар икки томонларнинг ҳам қонуний ваколатлари, ҳуқуқлари мезонидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш осон эмас.

Ғалвир сувдан кўтарилаётган шу кунларда ўтган беш йилда босиб ўтган фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиб чиқдик. Ўтган фурсатда анча-мунча ишлар қилибмиз. Замонавий, барча талаблар даражасидаги янги мактаб биносига эга бўлдик. Зарурий ўқув қуроллари билан жиҳозланган синф хоналари энг сўнгги русумдаги электрон воситалар билан таъминланган. Кўргазмали воситалар ёш авлод маънавий онгини ўстиришга хизмат қиляпти.

Ўқитувчилар учун махсус хона ташкил этганмиз. Маънавият ва маърифат хонасида изланиш, тафаккурни бойитишга барча шарт-шароит бор. Ўқитувчилар дарсдан бўш вақтлари спортнинг волейбол, футбол тўгаракларига жалб этилган. 50 нафарга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшма ташкилоти барча спорт анжомлари билан таъминланган. Турли даражадаги спорт мусобақаларини ташкил этишни анъанага айлантирганмиз.

Бир сўз билан айтганда, фаолиятимизга баҳо бериш фурсатлари етиб келди. Ўйлайманки, беш йиллик ишимиз назардан ўтганда, жамоа олдида уялиб қолмаймиз.

Ҳамидулла ЭГАМОВ,
Қўшработ туманидаги 52-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси

Хабарлар

Вазифалар белгилаб олинди

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгаши фермер хўжаликлари таркибидаги бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчилари ўқув-семинарини ташкил этди.

Тармоқ мутасаддилари мулк соҳиблари билан ҳамкорликни изчил ташкил этиш, аъзолар сонини кўпайтириш юзасидан тегишли йўлланмалар беришди. Айни чоғда, 32 та бошланғич ташкилотда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларини ташкил этиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тиббиёт ҳамшираси экологик ва тиббий маданиятни оширишда ёрдам бериши мумкинми? «Албатта», дея жавоб беришди «Экологик ва тиббий маданиятни оширишда ҳамширанинг роли» мавзуидаги семинар қатнашчилари.

Экология ва тиббиёт ҳамшираси

Ўзбекистон экологик ҳаракати Андижон вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот-таҳлил маркази, «Экосан» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу йиғилишда вилоят ва туман бирлашмалари ҳамширалари иштирок этди.

— Бундай тадбирлар ҳамшираларнинг аҳоли ўртасида ушбу масалада тарғибот ишларини амалга оширишида катта аҳамиятга эгадир, — дейди вилоят бошқармаси бош ҳамшираси. Р.Аҳмедова.

Тадбир якунида ўзаро фикр алмашувлар, савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтди.

А.ЭШМАТОВ,
Андижон вилояти

Касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

Шу кунларда қайси бир бошланғич ташкилотда бўлмайлик, қизғин бир жараён — ҳисобот-сайловларга тайёргарлик ёки унинг ўтказилаётганлиги устидан чиқамиз. Зеро, бу муҳим тадбир ташкилотнинг бундан буёнги фаолият йўналишини белгилаб бериши билан ҳам қадрлидир. Мухбиримизнинг Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси муовини Абдуҳалил Раҳмонов билан қилган суҳбатининг мавзуси шу ҳақда бўлди.

Етакчи

унинг салоҳияти, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги кўп нарсани белгилайди

— Асосий вазифамиз мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар асносида таълим ҳамда фан соҳаси ходимларининг ҳар жиҳатдан оғирини енгил қилиш, бир сўз билан айтганда, уларга камарбаста бўлишдир. Айни вақтда шаҳар кенгаши тизимида 967 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 210 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Шу кунларда кўплаб бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни юқори савияда ўтказишга ёрдам сифатида шаҳар кенгаши «Услубий тавсиялар» қўлланмасини чоп этиб, ҳар бир бошланғич ташкилотга етказгани жуда қўл келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида»ги Низоми ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан чоп этилган «Услубий тавсия» муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаяпти. Шунингдек, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгаши бир неча марта туман, олий ўқув юртлари ҳамда шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бирлашган қўмиталари раислари ва фаоллари иштирокида ўқув семинарлари ташкил этди.

Давр ташаббус кўрсатиб ишлашни, изланишни тақозо этмоқда. Шуни эътиборга олиб, Тошкент шаҳри туманларида касаба уюшма ташкилотларининг намунавий ҳисобот-сайлов йиғилишларини ташкил этдик. Уларга барча туман бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари, фаоллар ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари таклиф этилди.

Асосий мақсад ташкилот олдида турган вазифаларни теран ва аниқ ҳис этишларига кўмаклашиш, қайси йўналишларга алоҳида эътибор қаратишлари лозимлигини яна бир бор кўрсатиб ўтиш эди.

Бинобарин, ҳисобот-сайлов йиғилишлари босиб ўтилган йўлга бир кур назар ташлаб, камчиликлардан хулоса чиқариш ҳамда янги режаларни белгилаб олишдир. Бу ишда ҳар бир касаба уюшма аъзосининг фаоллиги ишимиздаги муваффақиятни белгилайди. Айнан шундай йиғилишларда ҳар бир жамоа ўзига ташаббускор, изланувчан ҳамда салоҳиятли инсонни етакчи қилиб сайлаб олишни истайди.

Кишини қувонтирадиган томони шундаки, мазкур жараёнда ҳар бир аъзо танқидий ва ижобий фикрлари билан фаол иштирок этяпти.

Яна бир аҳамиятли жиҳати — етакчилар ҳисобот чоғида бажарилган ишлар, ютуқлар ҳақида гапирибгина қолмай, долзарб ҳамда ечимини кутаётган муаммолар, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост билдиришяпти.

Ҳар бир касаба уюшма ташкилотида ҳуқуқий тарғибот ишларини янада яхшилаш, комил инсон тарбияси билан боғлиқ тушунчаларни ёш авлод онгига сингдириш, фарзандларимизда Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш каби вазифаларни ҳозирги замон талаблари даражасида режалаштиришга алоҳида аҳамият беришмоқда.

Яна бир муҳим вазифа — нодавлат секторидаги корхона ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли 4 та йирик олий ўқув юртлари — Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Губкин номидаги Россия Давлат нефт ва газ университети Тошкент шаҳар филиалларида ҳамда 13 та халқ таълими муассасаларида касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, 1938 нафар аъзо сафимизга қўшилди.

Суҳбатдош
Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Фаолият

қониқарли деб топилди

Таълим ва фан ходимлари Термиз туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ҳисобот-сайловлар йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича кўргазмали ўқув семинар бўлиб ўтди. Унга бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари таклиф этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ўқув-семинар ўз ишини якунлагандан сўнг 9-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма аъзолари ва семинар қатнашчилари иштирокида мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Бошланғич касаба уюшма қўмитасининг 2004 йил сентябр ойидан 2010 йил январ ойигача бўлган даврдаги фаолияти ҳақида етакчи С.Худойберганованинг ҳисоботи тингланди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар бошланғич касаба уюшма қўмитасининг фаолиятини қониқарли деб баҳоладилар.

Йиғилишда қўмитанинг янги таркиби ҳамда таълим ва фан ходимлари Термиз туман бирлашган касаба уюшма ташкилотининг IV Конференциясига делегат сайланди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Ҳикоя

Қунқу

Буларни мен ёзги таътилимда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ишлаётган укаларимни кўргани бориб, қайтишда поездда бирга келган собиқ проводникдан эшитган эдим.

Купеда иккаламиз, холос. Кўриниши тундроқ, озғин, кўзлари ичига чуқур ботган ўттиз ёшлардаги бу йигит нимагадир қаримсиқ кўринар, пешонасинигина эмас, лаблари, кўзлари атрофини ҳам ажин босган, камгапгина эди. Унинг униққан кийимларидан қандайдир ёқимсиз ҳид келиб тургандек туюлди менга.

Йўл азобини енгишнинг давоси — суҳбат. Аммо шеригим билан биринчи куни ҳадеганда гапимиз қовушавермади. Эртасига у менинг журналист эканлигимни билгач, тўсатдан ўзи сўз бошлаб қолди. «Бошимдан ўтганларни айтиб берайми?» деди ҳе йўқ-бе йўқ. Эътироз билдирмадим.

— Отим Рустам. Рустамбек. Оддий Рустам бўлиб ҳам, Бек бўлиб ҳам яшаб кўрдим. Асли водийдан – Андижонданман.

Мен бош ирғаганча сукут сақлаб, гапларини бўлмай эшитдим.

...Билсангиз, бундан ўн йил илгариям Тошкентдан Свердловскка[1] поезд юрарди. Мен ўша поездда проводник эдим. Бир гал Екатеринбургдан қайтаётганимизда ўзимизнинг андижонлик бир йигит билан танишиб қолдим. Хизмат купемга кирганда шевасидан билдим. Кимсанбой Россияда узоқ юриб, энди Ўзбекистонга қайтаётган экан.

Мен унга аввал ўзимиздаги «Тошкент-Андижон» поездида юрганимни, яқинда қайта ташкил этилган халқаро йўналишдаги бу поездга ишга ўтганимни айтиб бердим. У эса ўзи ҳақида кўп сўзламас, лекин анчагина сертакаллуф эди. Йигит кўнглимга ўтиришиб қолди. Йўлда ҳар овқат пиширганда, уни таклиф қилардим. У ҳам қуруқ қўл билан келмас, ҳар гал дудланган колбасами, пишлоқми, бирон нарса кўтариб келарди. Хуллас, Тошкент вокзалида манзилларимиз ва уй телефонларимизни алмашиб, хайрлашдик.

Уйга келган кунимнинг эртасига Кимсанбой қўнғироқ қилиб қолди. Самоварга келинг, икки-учта оғайниларим билан ўтирибмиз, деди. Бордим. Шериклари ҳам ўзига ўхшаган бамаъни йигитлар кўринди. Ҳафта охирида туғилган куним эди. Мен ҳам ҳиммат қилиб, Кимсанбойни уйга таклиф этдим. У гапимни ерда қолдирмай, ўша куни келди. Совғага «сотка» олиб келибди, қимматидан, ҳатто суратга тушириш камераси-ю, диктофонигача бор. Поездда унга «тиркичилик ташвишларидан ортқизиб битта сотка ололмайман» деб нолиганимни эслаб хижолат тортдим. Аммо кўнглимга қараб, қилган сахийлигидан ич-ичимдан қувондим.

Келгуси ҳафтада депога ўзимда йўқ хурсанд – қўлимдаги яп-янги соткани ўйнаб кириб бордим. Шеригим ҳам уни кўриб, роса қувонди. Сафардан қайтсам, худди келишимни билгандек, яна Кимсанбой йўқлаб қолди. Очиғи, ўзим ҳам унинг даврасини қўмсаётгандим. У гўё шуни билгандек, Андижондалигимда йўқ деганда ҳафтада бир-икки марта самовардаги ўтиришларга чорларди. Аммо у ерда менга бир сўм ҳам сарфлатмасди. Ўтириш баҳонасида баъзан Кимсанбой ва унинг жўралари оз-моз пул тикиб қартада «21» ўйнаб қолишарди. Мен ҳам яхши билардим бу ўйинни. Аввалига, томошабин бўлиб юрдим. Кейин-кейин қўшилиб, бир-икки қўл ўйнай бошладим. Гоҳо унча-мунча ютуқ билан уйга қайтардим. Бундан ўзимча хурсанд бўлардим: ахир, ўтиришга бир тийин сарфламаганим устига яна чўнтакни қаппайтириб олсам. Кимсанбой ва унинг сермулозамат жўралари баҳонасида қиттак-қиттак қилишга ҳам ўргандим. Бир гал, аксига олиб, ўшанда Кимсанбой билан танишганимизга уч ойча бўлганди, қартада ёнимдаги бор пулимни ютқазиб қўйдим. Алам қилди.

Ютқазган пулларимни қайтариб олгим келди. Омадим чопишига негадир ишонардим. Кимсанбой аҳволимни англаб, ёнидан бир даста пул чиқариб олдимга ташлади. «Ошно, нимага ғам босади? Ёнингизда мана мендек ошнангиз бўла туриб-а?». Индамай пулни олиб, яна ўйинга киришдим. Барибир, шу куни қўлим келмади, тағин ютқаздим. Қарзга ўйнаб, яна анчага тушдим. Кетар чоғим Кимсанбойнинг мен қарздор бўлиб қолган Шуҳрат исмли чўтир ўртоғи билагимдан ушлаб тўхтатди:

— Ошна! «Дружба – дружбой, служба – службой», қарзни уч кунда топиб берасиз! Пул зарур! – деди совуққина қилиб. Кейин пинак бузмай қўшиб қўйди: — Бўлмаса, кунига бир фоиздан «пена» туғади.

Ич-этим муз бўлиб кетди. Оз муддатда шунча пулни топиш ҳазилакам ишми, ахир. Оддий проводник бўлсам. Йўлларда емай-ичмай, ойлигиму топган-тутганларимни тўпласам ҳам бир ойда бунча йиғолмайман. Бу ёғи болачақа, рўзғор дегандайин... Шунда Кимсанбой секин елкамга туртиб, четга имлади. Карахт бир ҳолда унга эргашдим.

— Қарз ёмон, ошна, айниқса, қиморники, – деди у катталарга хос босиқ оҳангда. — Шунинг учун ҳозир қарзингизни мен узиб қўяман. Менга топганингизда қайтарарсиз.

Унинг гапи жонимга оро кириб, сал ўзимга келдим. Рози бўлдим. Бошқа қаёққа ҳам борардим...

— Раҳмат, Кимсанбой. Бу яхшилигингизни сира унутмайман, – дедим унга миннатдорлик изҳор этиб.

— Дўст бошга иш тушганда билинади, – деди у мағрур ва мени Шуҳратнинг ёнига етаклаб борди-да, чўнтагидан бир қисим доллар чиқариб, бояги сўмдаги қарзларимга тўғрилаб, нақ олти юз долларни унга санаб берди.

– Энди ўйнаманг! – деди Кимсанбой ҳамдардлик оҳангида, мени қузатиб қўяркан.— Лекин ҳисобли дўст айрилмас, деганлар. Боя ўзингизга берган сўмлар билан қарзингиз етти юз доллар бўлди, ошна.

Уйга хомуш қайтдим. Ичимга чироқ ёқса, ёришмасди. Кейинги пушаймон – ўзингга душман. Дардимни бировга айтолмасдим. Энди қандай қилиб бўлмасин тезроқ пул топиб, қарздан қутулишим керак... Қўлимдаги «сотка» ҳам кўзимга ёмон кўриниб кетди. Уни сўраб юрган шеригимга 200 долларга шартта пуллаб юбордим. Ҳарқалай бир чети ўзимдан чиқди-ку. Бу ёғига Кимсанбойнинг телефондаги самоварга чиқиш таклифларига рад жавоби бера бошладим.

Ўша воқеадан бир ойлар ўтгач, Кимсанбой қўнғироқ қилиб, пулни эслатди. Мен сотканинг пули ёнига эндигина орттириб юз доллар қўша олган эдим, холос. Борига кўчдим. Шунда у, бирор ерда учрашайлик, маслаҳатли иш бор, деди. Мен индинига йўлга чиқиб кетишим керак эди.

Учрашдик.

— Ошна, мана, синашта оғайни бўп қолдик. Сиздан битта илтимосим бор. Йўлда, Келесдаги ўзимизнинг, кейин Сариоғочдаги қозоқларнинг божхона постларидан ўтгач, навбатдаги бекатда вагонингизга чиқаман. Менда кичкина пакет бўлади. Шуни эҳтиётлаб олиб бориб берасиз. Ўзим ҳам вагонингизда кетаман, жойим бор, – деди у секин.

Юрагим шув этиб кетди. Кимсанбой менга ҳар галгидан бошқача – ғалати қараб турарди. Кўнглим бир нохушликни сезгандек эди..

— Кимсанбой, қўйинг, мени бунақа ишларга аралаштирманг, – дедим унга тик боқиб. — Пулдан эса ғам еманг, албатта, топиб бераман!

— Свердловск вокзалига етмасдан тушиб қоламан, – деди у гапимни оғзимдан олиб, – қўрқманг! Ишончли одамлар кутиб олади. Мени тўғри тушунинг. Мен ҳам у ердаги жўраларимдан қарздорман. Сизга ўхшаб. Эсон-омон етиб борсак, қарзингиздан кечаман. Яна уч юз «қўкидан» ҳам оласиз. Акс ҳолда, қарзингиз бир ойдан кейин икки ҳиссага ошади. Бу ёлғиз менинг фикрим эмас, жўраларимники ҳам. Пул улар билан ўртамизда эди. Танланг!

Кимсанбойга уни энди кўраётгандек, ҳайрон тикилиб қолдим. Наҳотки, бу ўша мен билган Кимсанбой бўлса? Қарзнинг икки ҳисса ошишини ўйлаб кўз олдим қоронғилашиб кетди. Билиббилмай «бемаъни ўйин»га аралашиб қолганимни тавакқал қилишдан бошқа иложим йўқлигини пайқадим. Нима бўлса-да, тезроқ буларнинг чангалидан қутулиш керак!

— Майли, фақат бир мартага, – дедим ноилож.

— Қўлни ташланг! Ўғил бола экансиз! Билардим! – деди Кимсанбой жилмайганча, аслига қайтиб. Бояги Кимсанбойдан ҳозиргиси ер билан осмонча фарқ қиларди гўё. Одамнинг ичидагини билиб бўлмас экан...

Манзилга омон-эсон етиб бордик. Аммо йўлларда вагонга чиққан ҳар бир орган ходимини кўрганимда, бўларим бўларди. Омонатини яширган жойимдан олиб, қўлига тутқаздим. Тушар чоғида қаерга беркитди, билмайман, аммо у қўлидаги енгилгина сумкасини кўтариб, мен ўтирган купега бемалол кириб келди. Шеригим пастга тушиб кетган, ўзим ёлғиз эдим.

— Сизга катта раҳмат, Рустамбек ошна! – деди у. Кейин қўлимга

[1] Екатеринбург шаҳри бир даврда Свердловск деб аталган. Темир йўл вокзали ҳозир ҳам шу номда қолган.

Табиат ва биз

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тасарруфидаги «Жайрон» экомарказида табиатнинг энг беозор жонзотлари кўпайтирилмоқда. Шунингдек, Пржевальский отлари, қулон каби йўқолиб бораётган ҳайвонлар урчитиляпти. Уларни «Қизилқум», Нурота тоғ ёнғоқзорлар давлат қўриқхоналари, Китоб давлат геологияси қўриқхонаси ҳамда Навоий, Қашқадарё вилоятлари кенгликларида кўриш мумкин.

Далаларда қувнар жайронлар

Экомарказ ҳудудида ҳайвонларнинг 8 тури мавжуд бўлиб, жумладан, «Бухоро қўйи» деб номланган жониворларни ҳам кўпайтиришга киришилди. Бухоронинг «Тўдакўл», «Хадича» сув омборларида қишловчи қушлар ҳам ҳимояга олинди.

Соҳа фаоллари томонидан юзага келган аҳволни чуқур ўрганиш мақсадида экспедиция ташкил этилиб, Ҳисор Давлат қўриқхонасида умуртқали ҳайвонларнинг тури ва сони ҳисобга олинди. Хусусан, Тошкент вилоятининг овчилик хўжалигида ноёб қушлар кўпайгани эътироф этилди.

Ўсимликларни назорат қилиш, уларнинг ривожланишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини беряпти. Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятлари, Оролбўйи, Устюрт ҳудудларидаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг бугунги ҳолатини ўрганиш технологиясини яратиш ниятида (Давлат кадастрини ташкил этиш бўйича) ахборот йиғиш ишлари йўлга қўйилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Шундан келиб чиқиб, «Жайрон» экомаркази ва Ҳисор қўриқхоналарининг йиллик ҳисоботлари тайёрланди. «Табиатнинг давлат ёдгорлиги» мақомини бериш учун 100 йил умр кўрган ва ундан ошган 1014 та дарахт рўйхатга олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га кирган судралиб юрувчи ҳайвонлари, қушларининг кадастр бўйича ҳисоботи ташкил этилди.

Табиатнинг яшиллик оламида бузилган мувозанатни тиклаш давр тақозосидир. Орол денгизининг қуриб қолган 15 минг гектар майдонига саксовул экилди. 773.9 гектарда ўрмончилик мелиоратив ишлари бажарилди. Сирдарё дарёси ҳудудидаги тўқайзорларни сақлаб қолиш учун «Сайхун» хўжалигида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
журналист

Сифатли маҳсулот гарови

Эрта тонгдан пок ният билан яратгандан юртимизга, жумлаи жаҳонга эзгулик сўраб, яхшиликларга умид боғлаб яшайдиган миллатмиз. Ҳаётдаги интилишларимиз ҳам шунга яраша. Ҳар биримиз зиммамизга юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламиз. Кўзлаган ниятга етиш учун эса фидойилик, меҳнатсеварлик, омилкорлик талаб қилинади.

Марказий Осиёда ягона бўлган «Suvmash» очиқ акциядорлик жамияти аҳлини ҳақиқий маънода фидокорлар жамоаси деб таърифлаш мумкин. Насос ва электромашиналар ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ихтисослашган корхона асосан вилоятлардаги Насос бошқармалари ва фермер хўжаликларига маҳсулот етказиб беради.

— Мустақилликнинг илк йилларидаёқ жамиятимиз зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди, — дейди директор ўринбосари, касаба уюшма қўмитаси раиси Бизак Содиқов. — Биз эскича, бир томонлама ишлашдан воз кечиб, хорижий технологияларни қўллаш, маҳсулот турлари ва ҳажмини кўпайтиришга киришдик.

Корхонада Д, А 40 ГЦ, А 50 ГО, ЭЦВ, СМП, К, СНЭ, ГрУ каби русумдаги насослар ишлаб чиқарилади ва таъмирланади. Шунингдек, бу ерда эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, 3000 квт.гача бўлган электр двигателларни таъмирлаш ишлари бажарилади. Улардан шаҳар саноатида, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш, қурилиш, коммунал хўжалиги, тоғ-кон ва металлургия саноати, фермерлик ва томорқа-боғдорчилик хўжалигида, шунингдек, сизот сувлар сатҳини пасайтиришда фойдаланилади.

Ўтган йилги бизнес режа бўйича товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 6 миллиард сўм этиб белгиланган бўлса, амалда 9.8 миллиард сўмни ташкил этди. Экспорт режасидаги 300 минг доллар ўрнига 456 минг доллар, 1573 дона насослар ишлаб чиқариш локализация режаси 1741 донага бажарилди.

Ишлаб чиқариш сифатини яхшилашга эътибор қаратилиши корхона маҳсулотларини бир неча бор дунёмиқёсида тан олинишига сабаб бўлди. Мисол учун, 1999 йилда Женева шаҳрида (Швейцария) бўлиб ўтган XXIV Халқаро конвенцияда бутун дунё ишбилармонлари, мутахассислари — иқтисодчилар, академик ва дипломатлар ҳайъати вакиллари иштирокида «Suvmash» ОАЖнинг сифатли маҳсулотига Халқаро Олтин юлдуз топширилди. 2001 йилда эса Париж (Франция)да бўлиб ўтган XVIII халқаро конвенцияда халқаро Платина юлдузига сазовор бўлди. Бундан ташқари, 2006 йил 3 мартда Гановер шаҳрида (Германия)





«TUV NORD» Халқаро ташкилоти ICO талаблари бажарилганлигини тасдиқлаб, сифат менежменти тизимини жорий қилиш бўйича сертификат қўлга киритилди.

Корхона маҳсулотларига Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлатларида талаб катта. 1999 йилдан «Suvmash» ОАЖ «Ўзбекистонда тайёрланган» кўргазмаларининг доимий қатнашчиси.

Ҳозирги вақтда жамият ўз хорижий инвестори «Энергомашкорпорация» ОАЖ билан фаол ҳамкорликда янги технологик ускуналар сотиб олиш, юқори малакали, рақобатлашиш имкони бор янги насос маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришган. Ушбу мақсадга қаратилган ҳаракат келгусида насос маҳсулотлари бозорини кенгайтириш, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари ҳамда бошқа вазирлик ва бошқармаларнинг янги насос турларига бўлган талабларини қондириш, насос — кучланиш ускуналарининг таъмирлаш номенклатурасини кўпайтириш ва эҳтиёт қисмлар турларини кенгайтириш, ОП — турдаги насослар учун қисмлар механик ишловини ўзлаштириш, ташқи бозорга чиқиш ва янги иш жойларини яратиш учун имконият яратади.

Ҳар бир ютуқ киши қалбини тоғ қадар юксалтиради. Бизак аканинг тиришқоқлиги, иш вақтининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиши таъсинга лойиқ. У ишчиларга етарли шароит яратиш ва ғамхўрлик қилиш, ишни тўғри ташкил қилишни ўзининг бирламчи вазифаси деб билади.

Корхонада 339 киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача иш ҳақи 368.3 минг сўмни ташкил этаяпти. Зарарли шароитда ишловчиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга «Нестле» сути ва бошқа турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксиз етказиб турилади.

Ногирон ва пенсионерлар, ноқулай иш шароитидагилар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Корхона тиббий диспансер маркази ва туман шифохонаси билан ходимларни соғломлаштириш бўйича шартнома тузган. Корхонада тиббий муолажа ва физиотерапия хоналари ишлаб турибди. 75 хонадондан иборат 4 қаватли уй корхона балансида.

— Маънавият ва маърифат ишлари яхши йўлга қўйилган, — дейди касабақўм етакчиси. — Алоҳида хоналар жиҳозланиб, адабиётлар билан таъминланган. Ўқув хонасида маъруза-мулоқотлар ташкил этилади. Ишчиларни концерт томошасига олиб бориш, музейларга саёҳат қилдириш ва тоғ бағрида дам олдириш изчил йўлга қўйилган. Оммавий спорт ишларига катта эътибор қаратаяпмиз. Вакилларимиз бир неча бор шаҳар мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларга эга бўлишди.

Халқимиз ҳаётни меҳр-оқибат кўрсатиш учун берилган имкон деб билади. Касабақўм Б.Содиқов бир гапни кўп такрорлайди. «Ишчи кайфияти — муваффақиятлар омили».

Ўтган йили корхона ходимларига меҳнат таътили, яқин қариндошлари вафоти, жамоада кўп йиллик самарали меҳнатлари, таваллуд ёшлари, фахрийларга байрам муносабатлари билан 32 716 минг сўм, шу жумладан, ногирон, ёлғиз, кам таъминланганларга 914 минг сўм, уруш ва меҳнат фахрийларига 2 330 минг сўм сарфланди.

Ишни тўғри ташкил этишда корхона маъмурияти ва касабақўмнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ходимларнинг соғлиғини тиклаш, дам олиш уйларига йўлланмалар ажратиш, спорт буюмлари харид қилиш ва мусобақалар ўтказиш, ходимларнинг болаларини ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш учун йўлланмалар ҳамда тиббий ёрдам, дори-дармонлар, бошқа шу каби мақсадлар учун жами 97627, 2 минг сўм маблағлар сарфланди.

Инсон табиатининг моҳияти ҳаракатда, — деган эди улуғ донишманд Б.Паскал. Эзгу амалларни бажаришни ҳаёт мазмунига айлантирган, кўнгилда фақат уларнинг рўёби ҳақида тинимсиз ҳаракатлари билан ўзини кўрсатаётган касабақўм Б.Содиқовга чин маънода ҳавасимиз келди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

тўртбурчак қилиб букланган мўъжазгина оқ қоғозни тутқазди. – Бу – хизматингизга. «Договор – дороже денег!» Энди қарзни ҳам унутинг! Қолганини Андижонда кўришганимизда гаплашамиз.

Кимсанбой шошганча купедан чиқиб кетди. Мен ўтирган ўрнимдан сапчиб туриб кетдим ва атрофга олазарак аланглаганча минг ҳадиқда купе эшигини шитоб билан ёпиб қулфладим-да, беҳолгина бояги қоғозни очдим: унинг ичида учта юзталик доллар бор эди.

Қўрққанимдан шоша-пиша уни битта эски ёстиқ жилдига ўрадим-да, йиғиб олинганча ўюлиб ётган чойшабларга аралаштириб қўйдим. Сўнг поезд юрганини ҳам пайқамай ўтираверибман. Бир пайт эшик тақиллади. Очиб қўйишни ҳам унутгандим. Шеригим экан.

— Нима қиляпсиз? – деди у менга ҳайрон тикилиб. – Эт-бетингиз оғрияптими, рангингиз оқариб кетибди?

— Ўзим шундай, хаёл суриб...

— Ёки танишингиз тушиб қолганига...

Чўчиб шеригимга қарадим. Наҳотки, қилган ишим афтимдан билиниб турган бўлса?..

Қайтишда анча ўзимга келиб олдим. Қилмишим ҳунуклигини билсам-да, ўзимни оқлашга уринаман, денг. Йигитнинг бошига не ишлар тушмайди. Аммо гиёҳванд моддаларнинг одамлар бошига не-не кулфатлар келтириши-чи?! У билан савдо қилувчи «контрабанда»чиларнинг эса ҳолига маймунлар йиғлаши тайин охири. «Бўлар иш бўлди – бўёғи кўчди», – деб ўзимга тасалли бераман тағин. – Ахир, менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда ҳам шундай қиларди-да! Ноилож эдим».

Келишда шерикларимга ўхшаб бириккита чиптасиз йўловчи олишгаям унчалик қизиқмадим. Ахир уларни ўз манзилига етказгунингча эсинг кетади, юрак ҳовучлаб неча чиғириқдан ўтасану шунча пулнинг ярмини тополмайсан, йўл-йўлакай чиққан ҳар бир ревизорнинг қош-қовоғига қарайсан. Боргач, яна қанча чиқими бор...

Шундан кейин Кимсанбойни анча вақтгача кўрмадим. Бундан бир жиҳатдан хурсанд эдим. Лекин тағин бир жиҳатдан... Уч ойлар чамаси ўтгач, Андижонда, Бобур боғи ёнида биз тасодифан учрашиб қолдик. У мени бокка етаклади. Холироқ жойдаги ўриндиққа ўтирдик. Шунда у, аввалгидек тортиниб ўтирмай, пича «мол» борлигини, бу сафар ўзи боролмаслигини, «мол»ни, одатдагидек, эски жойдан ўзи чиқариб беришини дангал айтди. Мен бу ишга бошқа қўл урмайман, деб тавба қилган бўлсам-да, Кимсанбой шама қилган мўмай пул – беш юз доллар илинжи оғзимни ипсиз боғлаб қўйди.

Бу гал ҳам иш хамирдан қил суғургандек битди.

Хуллас, бора-бора Кимсанбойнинг «наркокурьер»ига айланиб қолдим. У менга ҳар уч ойда бир мурожаат қилар, фақат қиш пайтларида бу муддат бироз қисқарарди. Бу иш аҳёнда бир бўладётгани учун аввалгидек кўпам чўчимай қолгандим. «У» ҳам хизматими тобора кўпроқ «қадрлай бошлаган» эди. Орадан икки йил ўтар-ўтмай, эшикдаги эски уйларни бузиб ўрнига икки қаватли янги уй солдим. Ахир кимсан, «Россияга қатновчи проводник – Рустамбек» деган номим бор! Кейин ўзимизнинг Асакадан чиққан «Дамас»нинг охирги нусхасидан сотиб олиб, бир танишимга ойига уч юз доллар эвазига «аренда»га бериб қўйдим. Хуллас, қилмишимнинг оқибатини деярли ўйламай қўйгандим. Бебилиска долларлардан кўзим кўр, қулоғим кар эди. Кимсанбойларнинг ўтиришларига энди тортинмай борардим. Баъзан Кимсанбой узоқроқ йўқламай қўйса, қўмсаб қолардим уни...

Бир куни сафардан қайтгач, бозордан ул-бул харид қилдим-да, ёнига Россиядан олиб келган сара ароқлардан қўшиб, Шаҳрихонда яшайдиган тоғамни кўргани бордим. Тоғам шаҳарнинг олди одамларидан бўлиб, катта хусусий савдо фирмаси, қатор-қатор дўконлари бор эди. Ширин улфатчилик қилиб ўтиргандик, негадир, қўшни хонада тўс-тўполон бошланиб қолди. Тоғам даст ўрнидан туриб, лагандаги қовурдоқдан битта сирли тунука косага солди-да, кўтариб ўша хонага кириб кетди. Тўполон тинчиди. Кейин у ёқдан тоғам баланд овозда мени чақирди:

– Рустамбек, бунга қара, сен ҳам кўчанинг одамисан, кўриб қўй тоғавачангнинг аҳволини!

Аста қўшни хонага мўраладим. Тоғамнинг йигирма бир-йигирма икки яшар бир чиройли ўғли бояги товоқчани чалишган оёқлари устига қўйганча ҳеч қаёққа қарамасдан чангаллаб-чангаллаб ошларди. Не кўз билан кўрайки, унинг бир оёғига узун занжир боғлаб қўйилган эди.

– «Нина»га ўтириб қолибди, қаердаги бўлмағур болаларга қўшилиб. Кўчага чиқди, уйга соғ келмайди. Баъзи кечалари бутунлай келмай қўйди. Шунда билдим... Э жиян, иш-иш деб бунинг тарбиясига қарамай катта хато қилдим, чамаси. Ёлғиз ўғлим деб кўнглига қарабман, қўлига айтган пулини бериб тентиратиб юборибман. На ўқишга кирди, на иш ўрганди... Мана энди, бола ўстириб, роҳатини кўриш ўрнига дўзах азобини тортаяпман. Бир доктор ошнам даволаяпти. Ҳар ҳолда сал нафи бўлаётгандай. Ишқилиб, тезроқ кўрмагандек бўлиб кетайлик-да. Тағин бировларга гапириб юрма, хўпми?! Бировга айтадиган гапми? Кейин, сен ҳам йўл одамисан, зинҳор бунақа бемаъни ишларга аралаша кўрма! Хўпми?!

Агар буларни айтган тоғам шу топда менга қараганида, афти-башарамни кўриб, чўчиб тушарди, ё қилмишимни сезган бўларди. Мени аллақачон тарк этган ҳушёр туйғулар шу топда қалбимга қайтиб келгандек бўлди. Ва хаёлимдан: «Ҳойнаҳой, тоғам қилмишларимдан хабардор-у атайлаб кўриб қўй буни» деяпти деган ўй ўтди. Кўрганларим кўз олдимда бир умрга муҳрланиб қолди. Одам ўз боласини итга ўхшаб занжирбанд қилиб боқса... Даҳшат!

Мана, мен қилиб юрган қора ишларнинг оқибати...

Шунда ўзимча Худо олдида ҳам, бандаси олдида ҳам қилган гуноҳларим учун тавба қилиб, бундай ишга бошқа қўл урмасликка онт ичдим. Аммо биринчи дафъадаёқ қасамимни буздим. Икки кундан кейин йўлга чиқишим керак эди. Кимсанбой билан навбатдаги «ишга» келишиб «заклад» олиб қўйгандим. Охиргиси, дедим-да, Кимсанбойга ҳам очиғини айтдим. У ҳам гапимни маъқуллади, шу охиргиси деди, бошқа безовта қилмасликка сўз берди. Ўзи ҳам яқин орада қарзлардан қутулгач, «ўйиндан чиқмоқчи» эканини айтди.

Лекин бу «охирги» ишим аввалгиларига ўхшаб хамирдан қил суғургандек битмади. Биласиз, Екатеринбург поезди Россия ҳудудига Петухово бекати орқали кириб келади. Шу ерда ўрисларнинг божхона пости бор. Негадир, бу гал назорат қаттиқ бошланди. Исковуч ит билан чиққан милиционерлар бизнинг вагонни ўраб олиб, купеларнинг тит-питини чиқариб ташлашди. Ит бизнинг хизмат купемизга кирганда, тумшуғини тепага қилиб, кетма-кет ҳуриб қолди-ку! Милиционерлар купе тепасидаги чироқ қопламасини очишимизни талаб қилди. У ерда мен пакетга қават-қават қилиб ўраб яшириб қўйган героин бор эди. Шеригим иккимиздан гумон қилишди. Шунда мен ноилож қолганимни билдим ва мардлик қилиб, шеригимни гумондан қутқаздим.

Мени олиб қолишди. Россия қонунлари асосида суд бўлди. Судга мендан ҳар гал «совға»ни олиб турадиган ўрис бола Сашани ҳам келтиришди. Уни аввалроқ ушлашган экан...

Иккимизга ҳам саккиз йилдан «беришди». Ватандан узоқда, қоронғи, тор, сассиқ, зах ҳужрада шунча умримни елга совурдим. Афсус! Минг афсус!

Хуллас, бу йўлнинг охири шунақа экан. Мана, сиз газетта ишлар экансиз. Унда менинг аччиқ қисматимни би-ир достон қилиб ёзинг. Отимни шундай айтсангиз ҳам майли. Оқибати «вой» бу ишдан одамлар чўчисин! Аллоҳ берганига қаноат қилмай, нафси ҳақалак отган меңдай гумроҳлар фожиасини ҳамма билиб қўйсин. Ҳар кимга худойим ўзи ризқни бераркан. Шунга қаноат қилиш керак экан. Мен эса... қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг тинчини, оиласини бузадиган, болани отадан, отани боладан тириклай айирадиган, Худо ҳам, бандаси ҳам қарғаган нопок ишга қўл уриб юрибман-а...

Илоё, менинг бошимга тушган ишларни Тангрим ҳеч кимнинг бошига солмасин!

* * *

Бу воқеаларга ҳам анча бўлди. Ўз тақдиридан сўзлаб берган собиқ проводник Рустамбекни қайта учратмадим. Аммо, негадир, унинг менга кўнгил очиб, «Отим Рустам, Рустамбек. Оддий Рустам бўлиб ҳам, Бек бўлиб ҳам яшаб кўрдим» дея гап бошлагани ва «аччиқ қисматимни би-ир достон қилиб ёзинг» дегани бот-бот эсимга тушиб қолади. Шунда инсон ва унинг ҳаёти, тақдир ва унинг чалкаш сўқмоқларини эслаб кетаман. Кейин ўзим кўрмаган, Рустамбекка дўст тутинган Кимсанбой ҳам беихтиёр хаёлимга келади...

Адҳам ДАМИН



Respublika Mulk-Auksioni» ДК
Бухоро вилоят филиали очиқ Аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукцион савдоларига вилоят давлат мулкини бошқариш бошқармасининг буйруклари асосида қуйидаги ер участкалари мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари чиқарилган.

I. 2010 йил 4 март куни соат 12.00 дан бошлаб қуйидаги ер майдонлари қўйилади.

Ғиждувон шаҳри, Ю. Ҳамадоний кўчаси ҳудудидан қуйидаги ер майдонлари:

1. Савдо дўкони қуриш учун 200 м² иборат 1 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 3 896 000 сўм.**

2. Савдо дўкони қуриш учун 200 м² иборат 1 та ер майдони. **Бошланғич баҳоси 12 662 000 сўм.**

Ғиждувон тумани ҳудудидан уй-жой қуриш учун 400 м² иборат ер майдонлари:

3. «Пахтаобод» ҚФЙдан 48 та ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 720 000 сўм.**

4. «Бобур» МФЙдан 23 та ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 1 260 000 сўм.**

Юқоридаги ер майдонлари бўйича Аукцион савдоси Ғиждувон тумани ҳокимлиги мажлислар ўтказиш залида бўлиб ўтади. Ушбу куни сотилмай қолган ер участкалари 2010 йил 11,18, 25 март кунлари соат 12.00дан бошлаб Аукцион савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади.

II. 2010 йил 5 март куни соат 12.00 дан бошлаб Ғиждувон тумани, «Зафаробод» ШФЙ худудидан уй-жой қуриш учун 400 м² иборат 137 та ер майдонлари аукцион савдосига қўйилади. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 524 000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари бўйича Аукцион савдоси Ғиждувон тумани, «Зафаробод» ШФЙ биносида бўлиб ўтади. Ушбу куни сотилмай қолган ер участкалари 2010 йил 12, 19, 26 март кунлари соат 12.00 дан бошлаб Аукцион савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади. Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Бухоро вилоят филиали АТИБ «Ипотека банк» Сардор филиали МФО 00119, СТИР 206761326, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашларн шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 200118, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10-уй, 3-қават.
Телефон:(8 365) 223-69-62, факс: 770-04-01.
www.mulk.uz E-mail Bux_RMA_DK@Inbox.ru

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 2 март куни соат 15.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги аукцион савдосига «Самарқанд тўқимачилик атторлик фабрикаси» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан жамият кредиторларининг 2010 йил 21 январдаги 5-сонли қарорига асосан Самарқанд шаҳри, Панжакент кўчаси, 105-уйда жойлашган «Самарқанд тўқимачилик атторлик фабрикаси» МЧЖнинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилади. **Бошланғич баҳоси 1 290 884 400 сўм.**

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 кун олдин соат 15.00да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 9, 16, 23 март кунлари соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 2,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР-206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки кўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46 www.mulk.uz

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Китоб жавонингизга

Ижодий кайфият самараси

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Тоҳир Ибрагимов

СЕМИЗЛИК ВА УНИ ЕНГИШ ЙЎЛЛАРИ



1946 йилнинг 5 августида Тошкент шаҳрида туғилган шифокор-профессор Тоҳир Иброҳимов, мана қирқ йилдан ошибдики, умрини халқимиз соғлиғини сақлашдек олийжаноб ишга бағишлаб келмоқда.

У Соғлиқни сақлаш вазирлиги эндокринология илмий текшириш институтида 20 йил баракали меҳнат қилди. Кичик илмий ходимликдан мудир лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1978 йили номзодлик, 1992 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тажрибали шифокор Т.Иброҳимовнинг 250 дан ортиқ мақоласи, 16 та методик тавсияси, 10 та рисола ва 8 та монографияси нашр этилган. Газетамида эълон қилинган тиббиётнинг турли муаммоларига доир мақолалари учун у ўтган йили таҳририятнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 2009 йилнинг декабр ойида олимнинг «Аёлларда камқонликнинг олдини олиш» номли рисоласи чоп этилганди. Шу йил январ ойида эса «Семизлик ва уни бартараф этиш йўллари» номли рисоласи ҳам нашрдан чиқди. Фаол ҳамкоримизнинг кейинги ишларига муваффақият тилаймиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Ҳамкорликнинг янги қирралари

Андижон вилоятида аҳоли соғлиғини сақлаш, тиббий хизмат даражасини яхшилаш, ходимларнинг малакасини ошириш, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Бу борада турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик катта самара бермоқда.

Яқинда Андижонда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф меҳмон бўлиб, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасида 2015 йилгача мўлжалланган дастур имзоланган. Унга кўра, юртимизда 42 миллион долларлик турли лойиҳалар амалга оширилади. Учрашувда вилоят миқёсида шу йилга мўлжалланган лойиҳалар ҳақида келишиб олинди.

Йиғилишда врачлик пунктлари фаолияти туфайли қишлоқларда саломатлик дастурини амалга ошириш яхши йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, вилоятда йод ва темир моддаси танқислиги, ОИТСнинг олдини олиш, чақалоқлар ва оналар ўлимини камайтириш, тўғри овқатланишни тарғиб этишни янада кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Табобат

САБЗИ саратонга давоми?

Сабзи қадимда қора рангда бўлган экан. Мутация натижасида сариқ рангли нави пайдо бўлади ва 18-асрда француз боғбонларининг саъй-ҳаракати туфайли сабзи ўзига хос ранг олади.

Сабзи азалдан жуда қадрланади. Чунончи, Англияда Елизавета биринчи даврида сабзи гули, барги ва меваси бош кийимларни безашда қўлланган. Сабзи шифобахш неъмат бўлиб, меваси таркибида эфир мойи, флавоноидлар, минерал моддалар — натрий, калий, кальций, магний, фосфор, темир ҳамда А, В1, В2, РР, С каби дармондорилар мавжуд.

Абу Али ибн Сино сабзи мевасини ичак оғриғи, сурункали йўтал ва плеврит хасталикларида тавсия қилган. Унинг саримсоқ ва зайтун мойи билан қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилганда яхши наф беради. Шарбати ёки сабзининг сутда қайнатилгани овоз чиқмай қолганда, буйракда тош пайдо бўлганда, дармондори етишмаслиги, камқонликда, кўз хиралашганда, эпителий тўқимасида дистрофик ўзгаришлар бўлганда, жигар заифлашганда шифо бўлади.

Халқ табобатида сабзи саратон касаллигига шифо сифатида ишлатилган. Япон олимлари ўтказган тажрибалар сабзи таркибида хавфли шишларнинг зўрайиб кетишини тўхтатадиган моддалар борлигини кўрсатди.

Тажрибалар вақтида олимлар кемирувчи ҳайвонларга овқат билан бирга ракни қўзғайдиган канцероген моддаларни бериб кўришди. Айни вақтда бу ҳайвонларга одатда одамлар истеъмол қиладиган сабзавотларнинг ўн хили (жумладан, сабзи) шарбатидан ҳам беришди. Ана шу шарбат хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилгани аниқланди.

Барча мева ва сабзавотлардан сабзи таркибидаги каротин анча устун туради. Каротин — А витамини етишмаганда шапкўрлик касаллигига чалиниш мумкин. Бунда тунда кўриш қобилияти сусайиб кетади. Сабзи кўз нурини сақлашда яхши самара беради.

Чарчоқ юзага келганда, иштаҳа йўқолишида, шамоллашга мойиллик, терининг қуриши, йирингли жароҳатлар, соч ва тирноқларнинг нозиклашиб кетишида сабзи шарбати ва ўзагидан тайёрланган малҳам тавсия этилади.

Буйрак, ўт-тош хасталикларида сабзининг янги тайёрланган шарбатини наҳорда 100-200 г.дан ичиш буюрилади. Унинг бир пиёла янги шарбатига бир неча қошиқ асал қўшилади ва бронхит, ларингит касалликларида кунига 4 маҳал ичилади. Эрталабки нонуштада болаларга олма, қаймоқ ва бир пиёла сут билан сабзи бериш уларнинг соғлиғини мустаҳкамлайди. Сабзи, глицерин, чаканда мойи аралашмаси (тенг миқдорда) тери ёрилганда ажойиб малҳам бўлади. Барги, пўстлоғи (мева) бавосилда наф беради.

Ёввойи сабзи уруғининг суюқ экстракти уролесан номли дори таркибига киритилган. Бу дори буйрак-тош, диатез, ўткир ва сурункали пиелонефрит, холицистит каби касалликларга даводир. Уруғи ичак оғриқларини босади, пешоб ҳайдаш хусусияти ҳам бор. Шуниси диққатга сазоворки, сабзи уруғидан даукарин препарати олинган. Бу дори спазматик таъсирга эга, юрак тож томирларини кенгайтиради, стенокардия, паришонхотирлик, бронхиал астмада қўлланади. Афсуски, бу дорини фармацевтика саноатида ишлаб чиқариш тўхтатилган.

Қуёшли дермотозда теридаги доғларни тозалаш учун сабзи ва булғор қалампири аралашмаси яхши самара беради. Бу шарбатни ҳар куни икки маҳал истеъмол қилиш даркор. 200 г сабзи, лавлаги, қора турп ва лимон шарбати тенг миқдорда олиниб, 100 мл. саримсоқ шарбати қайноқ сув билан 1:1 миқдорида аралаштирилади. Сўнг 200 мл. кагор виноси ва асал ҳам қўшилади. Ушбу аралашма кунига таомдан ярим соат олдин, 1 маҳал ичилади. Бу шифобахш аралашма қон таркибини яхшилайди, жигар фаолиятига ижобий таъсир қилади.

Кўз оғриганда сабзи билан петрушка шарбатини 3:1 миқдорида аралаштириб, кунига 2 маҳал 1 стакандан истеъмол қилинади. Сабзи қайнатмаси йўтал ва сариқ касалликларида 3 маҳал 50 мл. дан ичилса даво бўлади. Ҳомиладор, эмизувчи аёлларга, оғир жисмоний ҳамда ақлий иш бажарувчиларга, нимжон болаларга ҳам сабзи ва унинг шарбати тавсия этилади. Ошқозон-ичак яллиғланишида ҳамда операциядан кейин сабзини истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Буюк инсон — қизиқ!

«Митти дорихона»

Ўсимликлар маликаси бўлмиш қовоқ энг қадимий сабзавотлардан бўлиб, инсонга 5000 йилдан бери хизмат қилиб келади. У турли қитъалардаги барча халқларнинг ошхонасидан жой эгаллаган. Одамлар қовоқнинг шифобахш хусусиятлари ва тўйимлилигини дарров пайқаб олди. Ҳозирги кунда Антарктидадан ташқари ҳамма жойда қовоқ етиштирилади.

Қовоқнинг шифобахшлиги қадим замонлардан маълум бўлиб, у халқ табобатида кенг қўлланиб келинмоқда. Қовоқдан тайёрланган таом ва маҳсулотлар юрак-қон томир, ўпка, жигар, буйрак яллиғланиши, тери касалликлари яраларининг тез битиши, гелминтларга қарши, ичак саратони касаллигида кенг қўлланилади. Чунки унда организм учун танқис бўлган моддалардан калций, фосфор, темир, каротин, витамин С, витамин РР, глюкоза, йод, калий, магний моддалари бор. У биологик фаол моддалар миқдори бўйича картошка ва дон маҳсулотларидан ҳам юқори туради. Ҳатто унинг уруғлари таркибидан 50 фоиз мой, 35 фоиз оқсил, қанд, аминокислоталардан лейцин, тирозин, органик кислоталардан олма кислотаси, фитостеринлардан кукирбитол смоласини топиш мумкин. Шунинг учун ҳам қовоқни «митти дорихона» деб аташ мумкин.



Бир неча мамлакатларда унинг шарафига турли тадбирлар, маросим ва байрамлар ўтказилиши ҳам маълум. Хусусан, «малика»мизнинг ватани бўлмиш Америка қитъасида унга бағишлаб бир қанча тадбирлар ўтказилади. Масалан, «Қовоқ бўлаклари» тадбирида турли ўйинлар уюштирилиб, таомлар тарқатилади, қовоқни баланд жойдан ташлаб, ёрилиб кетмаслиги учун чоралар ўйлаб топадилар ва ғолиблар энг яхши мукофот соҳибига айланадилар.

Шифобахш хусусияти туфайли қадимги мисрликлар ва ацтеклар қовоқ етиштиришган. Қадимги ҳиндлар ва хитойликлар ҳам қовоқни севиб истеъмол қилишган. Японияда эса қовоқ парҳез таом ҳисобланиб, шифобахшлиги учун биринчи ўринга қўйилган. Японлар қовоқни барака келтирувчи, яхши инсонларга йўлиқтирувчи тимсол сифатида эъзозлаб, «Фэншуй» тумори тарзида доимо ёнларида олиб юришган, уй жиҳозларига, эшикларга осиб қўйишган. Унинг энг кўп тарқалган жойи АҚШнинг Иллиноис штатидаги Мартон шаҳридир.

Қовоқ байрами Буюк Британияда ўзгача тусга эга. Мамлакат «Мэр Броди»сида қовоқ байрами мусобақа тарзида ўтказилади ва бу тадбирдан тушган маблағлар шаҳар «тез ёрдам» фондига ўтказилади.

Қовоқга бағишланган тадбирларнинг энг машҳури «Хэллоуин» байрамидир. У турли мамлакатларда турли кўринишга эга. Нью-Йоркда байрамга икки миллионга яқин одам тўпланади ва у АҚШнинг йирик телеканалларида намойиш этилади. Хитойда бу байрам ўтганларни хотирлаш кунига бағишланади.

Париж яқинида жойлашган Дисней-Ленд ва Лиможада ҳам шу куни турли жонзотлар ниқобини кийган иштирокчилар яйраб-қувнайдилар. Йўлларни эса ичига шам ёқилган қовоқлар ёритиб туради.

Ўзбекистонда ҳам қовоқ севиб истеъмол қилинади. Жаннатмакон диёримизда ҳам ҳар йили кузда қовоққа бағишланган сайиллар ўтказилади.

Хуллас, соғлом бўлай десангиз, «малика»мизни ардоқланг. Иложи бўлса, ҳар йили баҳорда томорқангизга экиб қўйишни унутманг. Қовоқ жуда беозор ўсимлик. Унинг уруғларини икки-уч кун давомида ивитиб олиб, икки донадан ҳар 75-100 см. оралиғида экинг. Иложи борича девор олдиларига эксангиз, ўзи сизни уринтирмай девор устига чиқиб олади ва мевасини ўша ерда тугади.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА
тайёрлади

Меҳнатидан қадр топаётганлар

Полвонларни қўлламоқчимиз

Шаҳрисабзлик Абдуҳолиқ Расулов 2006 йилда фермер хўжалиги ташкил этди ва 2007 йилда уни чорвачиликка ихтисослаштириб, Германиядан келтирилган зотдор молларни кўпайтиришни йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда 30 бош мол, тўртта от ва йигирмата қўй боқилаётир.

— Астойдил қилинган меҳнатларимиз зое кетмаяпти, — дейди у. — 2009 йилда «Беҳзод» хусусий корхонасига 12 тонна сут топширдик. Наврўз, Мустақиллик байрамларида аҳоли учун арзон нархларда гўшт сотувини ташкил этдик. Кам таъминланган оилага бир бош бузоқ берилди.

Хуллас, «Расулов Жамолиддин Абдухолиқович» хўжалиги изга тушиб олди. Жамоа аҳли аёзли кунларни намунали ўтказишга ҳаракат қиляпти. Ем-хашак захираси, тўйимли озуқа жамғарилган. Шароит мини технологиялар сотиб олишни тақозо этаётир. Яқин келгусида бу масалани ҳал этиш режалаштирилди.

— Ўғлим Камолиддин кураш ва дзюдо бўйича республика биринчилиги ғолиби, — деди фахр билан Абдухолиқ ака. — Шу боисдан спортга қизиқишим юқори. Даромадимиз ҳисобидан шаҳрисабзлик курашчиларнинг мусобақаларга бориб-келишида ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқчимиз. Яқинда туман кураш миллий федерацияси билан ҳамкорликда 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Раимжон Музаффаров хотирасига бағишланган очиқ турнир ташкил этдик.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Соғлиғингиз ўз қўлингизда»

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган одил сиёсатнинг натижасидир. Бироқ бу соҳада нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун ўта долзарб бўлган масалалар ҳам борки, улардан бири саратон касаллигининг, жумладан, бачадон бўйни саратонининг олдини олиш ва унинг профилактикасини таъминлаш билан боғлиқ. Журналист Шарифа Салимованинг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош онкогинекологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наргиза Йўлдошева билан суҳбати касалликнинг келиб чиқиши, унинг олдини олиш, бу борадаги дунё тажрибаси ҳамда унинг қонунчилик асослари ҳақида бўлди.

— Ўсма касалликлари ҳақидаги илк ахборотни биз Гиппократ, ибн Сино, қадимги Миср ёзувлари орқали биламиз. Ушбу касалликни жарроҳлик йўли билан даволаш қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон тиббиёт мактабларида ҳам кузатилган бўлиб, унинг келиб чиқиши ва даволаш билан боғлиқ тиббий уринишлар микроскопнинг яратилишигача деярли самара бермаган. 19-асрнинг иккинчи ярмида жониворлар устида ўтказилган илмий тадқиқотлар онкология тизими тараққиётида фавқулодда муҳим аҳамият касб этган.

Касаллик келиб чиқишининг сабаблари ҳозиргача турли минтақаларда турли кўринишда намоён бўлмоқда. Масалан, 20-асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа мамлакатларида, хусусан Англия ва АҚШда шаҳар атмосферасининг ифлосланганлиги ва чекишнинг кўпайиб кетиши натижасида ўпка саратони билан касалланиш кескин ошган ҳолатлар кузатилган. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги оқсилнинг тақчиллиги ва жигар фаолиятидаги ўзга-ришлар ривожланаётган Африка давлатларида жигар саратони кўпайишига сабаб бўлган. Умуман олганда, ушбу касалликнинг бугунги ҳолати ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳозирги пайтда ўсма касалликларига чалинганлар сони дунё бўйича ўн миллион кишини ташкил этаётган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич ўн беш миллионга етиши кутилмоқда. Шу билан бирга, ер юзида ушбу касалликдан вафот этадиганлар сони олти миллиондан тўққиз миллионга ортиши тахмин этилаётир. Айниқса, бачадон бўйни саратони аёллар жинсий аъзолари хавфли ўсмалари орасида биринчи ўринни эгаллаб, Жаҳон ракни ўрганиш марказининг ахборотига кўра, ҳар йили дунёда бачадон бўйни саратони билан касалланган 500000 дан зиёд бемор аниқланаяпти. Шундан 300000 га яқини ҳаётдан кўз юммоқда. Бачадон бўйни саратони кўпроқ 40-60 ёшдаги аёлларда учрайди, сўнгги йиллардаги статистик маълумотларга кўра, касаллик 27-40 ёшгача бўлган аёлларда ҳам тез-тез учрамоқда.

Мамлакатимизда эса ҳар йили 1500 киши у билан касалланади ва 900 дан ортиқ бемор вафот этади.

Бу касалликка чалиниш кўп жиҳатдан маҳаллий халқнинг урф-одатларига ва турмуш шароитига, шу билан бирга, гигиеник кўникмаларига ва жинсий ҳаёт тарзига ва бошқа омиллар билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунингдек, канцероген факторлар (саратонни келтириб чиқарувчи моддалар ва ҳолатлар) миқдорининг ортиб бориши, кучли стресслар ва бошқа сабаблар организмнинг касалликка қарши курашиш ҳолатининг сусайишига, касалликка олиб келади. 2007 йилги маълумотларга қараганда, бачадон бўйни саратони республикамизда ўсма касалликлари орасида 4-ўринни эгаллаган. 2007 йилда 1267 та бемор аниқланган бўлиб, умумий ҳисобда 7098 та бемор диспансер ҳисобига олинган.

— Республикамизда ушбу касалликка ташхис қўйиш, даволашнинг қандай усуллари бор? Унинг олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Касалликка ташхис қўйишда энг кўп ва аниқ қўлланадиган усул ҳамон гистологик усул (микроскоп остида кўриш) ҳисобланади. Поликлиника шароитида биопсия (гумон қилинган тўқимадан чимдиб олиш) амалга оширилади. Касалликнинг тарқалиш даражасини аниқлаш учун лимфография, цистоскопия, ректороманоскопия, ренография, экскретор урография ва компьютер томография каби усуллардан фойдаланилади. Шунингдек, республикада бачадон бўйни саратонини барвақт аниқлаш мақсадида скрининг дастури ишлаб чиқилган бўлиб, 2009-2011 йилларда барча вилоятларда уни амалга ошириш мўлжалланаяпти. Мамлакатимизда биринчи бўлиб бачадон бўйни саратони касаллигини келтириб чиқарувчи вирусни аниқлаш ишлари Олмалиқ шаҳрида 2000 та фертил ёшдаги аёллар орасида олиб борилди ва замонавий текшириш усуллари бевосита амалиётга татбиқ этилди. Текширишлар натижасида 17-18 фоиз аёлларда ушбу вирус борлиги, 0,05 фоиз беморларда бачадон бўйни саратони ва 1 фоиз беморларда эса саратон олди касалликлари аниқланди. Текшириш ишларини республика бўйича кенг миқёсда олиб бориш режалаштирилган бўлишига қарамай, айни пайтда ПЦР таҳлили ўтказиш учун асбоб-анжомлар ва тест системалари (реактивлар) билан таъминлаш масаласида етишмовчиликлар мавжуд.

Ishonch
2010-yil 2-fevral №14-15 (2740)

Ҳаёт ва ҚОНУН

Тадбиркорга қўлланма

Юртимизда иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бўлган тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни аввало, қонунчилигимиздаги имтиёзларда кузатишимиз мумкин. Бу имтиёз ва эркинлик туфайли мамлакатимизда минглаб ташаббускор ва тадбиркор инсонлар эл-юртга наф келтириш баробарида иқтисодиётни тараққий эттириш учун жонбозлик кўрсатишмоқда. Шунинг учунми, уларга ҳавас билан янги ишга қўл ураётганлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Қуйида келтираётганларимиз ҳар бир тадбиркор учун фойдали бўлиши, шубҳасиз. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик айни шу имтиёзларда яна бир бор кўзга ташланади. Қонун берган эркинликдан унумли фойдаланинг ва фаолиятингизни ривожлантиринг!

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

...тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловларни — энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин».

Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан.

«Давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларидан давлат божи олинмайди;

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларидан давлат божи белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида ундирилади».

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомдан.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонундан





«Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредит берилаётганда банк муассасалари, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин».

15-моддасидан.

«Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан, уларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, ана шу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно».

34-моддасидан.

«Юридик шахс бўлмиш тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларини санаб ўтиш билан кифояланишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин».

19-моддасидан.

«Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этадилар. Банк муассасалари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас».

21-моддасидан.

«Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушбу модданинг иккинчи-бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календар кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилмаслиги керак».

39-моддасидан.

«Хорижий кредит линиялари ҳисобига маблағлар билан таъминлашнинг устувор ҳуқуқига:

- экспортга мўлжалланган маҳсулотлар;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш бўйича;

- машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар;

- кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестиция лойиҳалари эга бўлади».

«Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва хорижий кредитларни бериш» тартибидан.

«Кичик тадбиркорлик субъектларига кредит олиш учун зарур бўлган техник-иқтисодий ва юридик ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ишлаб чиқиш ва танлаб олиш бўйича хизматларнинг тўлиқ комплексини тақдим этиш намунавий лойиҳалар бўйича — «Ўзинвестлойиҳа» республика инжиниринг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва тижорат банклари томонидан; якка тартибдаги лойиҳалар бўйича — «Ўзинвестлойиҳа» компанияси ва тижорат банклари томонидан амалга оширилади».

«Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва хорижий кредитларни бериш тартиби»дан.

Сингапур



Касаба уюшма миллий қўмитаси (КУМҚ) Бош котиби касаба уюшмаларини инқироздан кейинги даврдаги тактикаси ҳақида ўйлаб кўришга чақирди. Унинг фикрича, касаба уюшмаси ҳаракати инқирознинг янги тўлқинларига тайёр туриши, Сингапур иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига йўл қўймаслиги, шу мақсадда кадрларни қайта тайёрлаш тизимидан самарали фойдаланиши зарур.

КУМҚ газетасининг хабар беришича, касаба уюшмаси ихтиёрида бўлган ўн иккита корхонанинг ҳаммаси инқироз даврида аҳолининг ночор қатламлари учун арзон маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу орқали бутун мамлакатда чакана савдода нарх-навони барқарорлаштиришга ёрдам берди. Касаба уюшмаси ўз меҳнат биржасини тузганлигига мамлакат парламенти депутатлари ва вазирлар юксак баҳо беришди.

Газетада таъкидланишича, инқироз шароитида касаба уюшмасининг фаолияти жуда муҳимдир. Чунки 2009 йилнинг биринчи ярмида Сингапур маҳсулотига бўлган халқаро талаб кескин тушиб кетганлиги натижасида 6150 та иш ўрни қисқарди. 31177 нафар ходим қисқартирилган иш ҳафтасига ўтишга мажбур бўлди. Бу кўрсаткич 1998 йилги «Осиё инқирози» давридагига нисбатан юқори. Касаба уюшмаси меҳнат биржаси ишга жойлаштириш чораларини кўрмаганда, инқироздан жабр чекканлар аҳволи бундан-да оғирроқ бўларди. Унинг хизматидан, айниқса, катта ёшли ходимлар унумли фойдаланяпти. Жисмоний меҳнат шахслари — «кўк ёқалилар», ақлий меҳнат билан шуғулланадиган «оқ ёқалилар» ва юқори ҳақ оладиган «олтин ёқалилар»дан фарқли равишда мазкур тоифа ходимлари «қумуш ёқалилар» деб аталмоқда.

КУМҚ Бош котиби ўринбосарининг ташвиш билан хабар қилишича, 2009 йилнинг биринчи чорагида 2008 йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги 15,4 фоизга камайган. Чунки иш берувчилар инқироз даврида арзон, бироқ сифати анча паст хорижий ишчи кучидан фойдаланган эди.

Америка қўшма штатлари

Мамлакат президенти Барак Обама Италиянинг Аквила шаҳрида бўлиб ўтган «Катта саккизлик» учрашувидан қайтгач, АҚШнинг йирик касаба уюшмалари вакилларини тўплади ва тиббий суғурта, меҳнаткашларнинг касаба уюшмаси аъзоси бўлишини енгиллаштириш, янги иш ўринлари яратишга ёрдам берувчи ходимларнинг сайлови тўғрисидаги қонунларни муҳокама қилди. Президент мазкур масалалар бўйича тутган йўли касаба уюшмалари томонидан бир овоздан маъқулланишига умид қилган эди. Бироқ «Нью-Йорк таймс» газетаси берган маълумотга кўра, мазкур тадбирнинг бир қатор иштирокчилари президентдан аввало инқирознинг ўн олти ойи давомида 9,5 фоизгача ўсган ишсизлик, ёшларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда яратилиши лозим бўлган қарийб 8 миллионлик янги ишчи ўринлари билан боғлиқ бандлик муаммосини ҳал этиш юзасидан аниқ жавоб талаб қилдилар.

Ҳукуматнинг маҳаллий органлари ходимлари Америка федерацияси журналининг навбатдаги сони АҚШда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш масалаларига бағишланган. Таҳририятнинг фикрича, соғлиқни сақлаш соҳасининг бош мақсади барча америкаликлар учун қулайлик яратиш, ўрта қатламнинг аҳволини яхшилайдиган ишончли тизимга айланиш бўлиши керак.

Меҳнаткашлар касаба уюшмаси сафига қўшилувчилар сонини орттириш учун ишчи-мигрантлар аҳволини мураккаблаштирадиган тил тўсиқлари бартараф этилиши лозим. Шунингдек, журнал АҚШнинг 25-меҳнат вазири, иккинчи авлод касаба уюшмаси ходими, испан тилида гапирувчи калифорниялик аёл Хилде Солиснинг мақоласини ҳам чоп этган. Вазирнинг таъкидлашича, унинг асосий мақсади — «мамлакат ходимлари ишончини оқлашдир».

Америка тадқиқотлар марказларидан бири кейинги ўнйилликда «яшил бандлик», яъни экология билан боғлиқ ёки экологик талабларга жавоб берадиган иш ўринлари яратишга инвестиция ажратиш 9,1 фоизга ўсганини қайд этди. Бу Обаманинг «яшил иқтисодиёт»ни рағбатлантириш мақсадига ҳамоҳангдир.

Америка меҳнат федерацияси – Саноат иттифоқлари конфедерацияси эса ўзи тарафидан Обама режасини амалга оширишда қатнашувчи иш берувчиларга маслаҳат берадиган Яшил ишчи ўрни маркази тузиш ҳақида маълум қилди.

ЎзКУФКнинг Халқаро ишлар бўлими томонидан тайёрланди

«Қўлингизда»

Шунингдек, барча вилоятларда иш сифатини яхшилаш мақсадида туман ва шаҳар поликлиникаларини, қишлоқ врачлик пунктларини аёллар бачадон бўйнидан суртма олиш учун керакли стерил асбоб-анжомлар билан таъминлаш масаласи ҳал қилиниши лозим. Цитолог врачларни тайинлаш ва малакасини ошириш, тайёрлаш, акушеркаларни суртмалар олишга ўргатиш, кенг миқёсда колпоскопик текширувни ўтказиш, ҳар бир вилоятда гистологик текшириш усулини кенг қўллаш ва аёллар орасида оммавий равишда профилактик кўриклар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиб, татбиқ қилиш зарур.

Бугунги кунда Республика онкология хизматида 17 та муассаса бўлиб, РОИМ ва 16 та ҳудудий онкологик диспансер, 271 та туман онкологлари фаолият кўрсатмоқда. 2007 йилда республикамизнинг барча онкология муассасаларига рентген аппарати, маммограф ва гастрофиброскоп Хитойдан 2,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига сотиб олинди ва ўрнатилди. Шунингдек, айни пайтда вилоят онкодиспансерларини эндоскопик, ультратовуш текшируви асбоб-анжомлари, радиотерапевтик жиҳозлар билан етарли даражада таъминлаш масаласида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Табийки, бу даволаш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 60-70 фоиздан кўп ҳолатларда ташхис касаллик хуруж қилган босқичда қўйилаётгани, касалликнинг ўз вақтида аниқланмаганлиги сабабли даволаниш учун сарфланадиган харажатларнинг 25-30 баробар ортиши бугунги кунда касалликнинг олдини олишда зудлик билан бирламчи профилактика тизимини йўлга қўйишимиз зарурлигини кўрсатмоқда. Шу ҳақдаги фикрингиз...

— Бу масаланинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Мен қатнашган қатор халқаро конгрессларда ҳам касалликни эрта босқичда аниқлаш, вақтида даволаш ҳамда саратонга қарши эмлаш билан бир қаторда аҳолининг тиббий хабардорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Аслида, ҳар қандай касалликнинг олдини олишга ҳар бир инсон ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлиши керак. Айниқса, аёлларимиз ўз вақтида шифокорга учраб, ҳар олти ойда кўрикдан ўтиб турса, касаллик уларга яқин бормайди. Бачадон бўйни саратонининг биринчи босқичида 85-97 фоиз, иккинчи босқичида 70-75 фоиз, учинчи босқичида эса 44-50 фоиз ижобий натижа кузатилади. Ўсманинг рецидив (қайталаш) ва метастаз (атроф тўқималарга қон ва лимфа орқали тарқалиши) ҳолларида эндолимфал ёки эндоартериал кимётерапия қўлланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 28-резолюцияси ҳар бир давлатни саратонга қарши курашда имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда бу борада миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда саратонга қарши кураш миллий дастурини ишлаб чиқишга даъват этади. Ҳозир 40 дан ортиқ давлатда ана шундай дастур мавжуд. Яқин йилларда уларнинг сонини 120 дан оширишга ҳаракат қилинаётир. Кейинчалик ана шу миллий дастурлар орасидан энг мақбул дастурлар танлаб олинади ва жаҳон амалиётига жорий этилади.

— Мамлакатимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Республика онкология илмий маркази ходимлари «Ракка қарши давлат миллий дастури» лойиҳасини ишлаб чиққан. У Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, онкология муассасаларида 25 та маммограф мавжуд бўлиб, 23 тасидан кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, соҳа ходимлари ҳар чоракда вилоятларда фертил ёшдаги аёллар орасида ташвиқот ишлари олиб бормоқда, телевидение, радио ва газеталарда чиқишлар уюштирилаяпти. Шунингдек, илмий марказнинг маммология ва гинекология бўлими ходимлари ташаббуси билан вилоятларда скрининг марказлари ташкил қилинаётир.

Бир сўз билан айтганда, дастлабки қадамни гулдан-да нозик аёлларимизнинг ўзи ушбу хасталикдан огоҳ бўлишдан бошламоғи керак. Ўзини асраганни Аллоҳ асрайди, деб бежиз айтишмайди.

Тадбир

«Саховат» уйига ташриф

Ўзбеклар азалдан оқ кўнгиллик, меҳр-оқибат, саховат каби фазилатлар мужассам бўлган халқ сифатида дунёга машҳур. Бинобарин, ёш авлод ҳам шундай руҳда тарбияланмоғи лозим. Куни кеча Чортоқ тиббиёт коллежининг ўқитувчилари Ш.Бобохонова, З.Мирабдуллаева, У. Розиқова ва бир гуруҳ ўқувчилар Наманган шаҳридаги «Саховат» уйига ташриф буюриб, дастурхон ёзишди.

«Саховат» уйи директори М.Fиёсов тадбирни очиб бергач, устозлар ва ўқувчилар ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар. Улар томонидан ижро этилган қўшиқ, рақс ва саҳна кўринишлари барчанинг кўнглини хушнуд этди. Бу эътибордан қарияларнинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Р.ИННАТУЛЛАЕВА,
Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

Собир Раҳимов туман Халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчилар ижодиёт марказида 4 та йўналиш бўйича бадиий каштачилик, компютер сабоқлари, ёш ҳуқуқшунос, замонавий либослар сингари 30 турдаги тўгарак бепул фаолият юритиб келмоқда.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтларида фойдали машғулотлар билан шуғулланиши ҳамда касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашига эришиш асосий вазифаларимиздан саналади, — дейди марказ раҳбари Барно Раҳимова. — Тўгаракларга туманимиз бўйича 2640 нафар бола жалб этилган. Уларнинг 12 нафари мактаб ички назоратида турувчи тарбияси оғир, 500 нафардан зиёди ижтимоий муҳофазага муҳтож ўқувчи ҳамда 60 нафари боғча тарбияланувчиларидир.

Тўгарак аъзолари шаҳар миқёсида ўтадиган тадбирларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: J.Sharofboyev
Navbatchi: N.Maxamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.10

Буюртма Г — 152

20583 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5

2010 йил — Баркамол авлод йили

Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги олдидан

Навоий ғазалига мухаммас

Дўстлар, шукр айлангиз олам аро борлиғ иш,
Матлаби давр буким огоҳлиғу хушёрлиғ иш,
Чун адолат пешалиғ, ҳам доғи ҳамкорлиғ иш,
Ҳар кун оқшомғача ҳажрингда манга зорлиғ иш,
Кеча тонг отқунча андуҳ ила бедорлиғ иш.

Гар насиб этмас висоли, васл хаёли ҳам бас,
Аҳли ушшоқ ёрга жон бергай, лекин ғам емас,
Бевафони ҳеч қачон аҳли вафо ёр демас,
Иш вафо қилмоқ эрур, гар қила олсангки эмас,
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш.

Кетса гар ўздин киши билгил фузунлуғдинким,
Можаролар боиси ҳам даҳри дунлуғдинким,
Ошиқ ўлмоқликни чун, дерлар, жунунлуғдинким,
Ишқ аро қочма кўнгул хору забунлуғдинким,
Ошиқ ўлганға забунлуғ бўлуру хорлиғ иш.

Маҳлиқолардур сабаб жанжалу талашларға,
Кўз чидай олмас гаҳи шўх, нозли қарашларға,
Не юпанч ёрдин озор чеккан дили ғашларға,
Лутфу дилжўлуғ эрур хўб парийвашларға,
Эй парий, билки, эмас жавру дилозорлиғ иш.

Аҳли ушшоқ азмиға тоғлар бўлолмас паноиъ,
Аҳли меҳнат сабр этиб борига қилур қаноиъ,
Дейдилар, меҳнат қилу ўтмасин умринг зойиъ,
Тақво аҳлиға билинса эди чарх авзоъи,
Айлагайлар эди бу дайрда хамморлиғ иш.

На хуш ўлғай бўлса гар ҳар бир киши ватанлиғ,
Ҳам ватаннинг кўксида боғу-роғу чаманлиғ,
Ҳар кўнгулда шодлигу диллар тўла равшанлиғ,
Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-биригизгаки, эрур ёрлиғ иш.

Мирза, кўнглунг айлагил шод, гарчи сен ҳам зор-зор,
Зоҳирингдин сезмасун гар ботинингда шарор,
Оқибат лутфу карамлар кўрсатур балким ёр,
Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор
Санга дилдорлиғ иш, бизга дилафгорлиғ иш.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
Сирдарё вилояти

Жамиятимизнинг муҳим ўзаги бўлган оила, ундаги муҳитнинг соғломлигига кўп нарса боғлиқ. Тарбия жараёнида ота-она ўртасидаги ўзаро муносабат, уларнинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати катта ўрин тутади. «Соғлом авлод» деганда биз нафақат жисмонан бақувват, балки маънавий дунёси бой, ақлан етук ва маърифатли фарзандларни тушунмоғимиз керак.

Билиму тарбия сарвари — баркамоллик

Юксак маънавиятга эга инсон фидойилиги, жасорати, мардлиги, халқини севиши, Ватанини қадрлаши, аждодлари ила фахрланиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Зеро, ҳамма билиму тарбиянинг сарвари бу баркамолликдир. Баркамол инсон виждони уйғоқ, ўзлигини англаган, руҳан покланган, қалбан улғайган, иймон-эътиқоди бут бўлади.

Тарбияда майда масаланинг ўзи йўқ.

Халқ орасида «Ота таёғини еган» деган мазмундаги ибора юради. Бу ўринда болани уриб тарбиялаш назарда тутилмаган. Балки инсон камолотида отанинг ўрни беқиёс эканлигига ишора қилинади. Шундай экан, «Болам, ёмон йўлга кирганингдан бехабар қолибман», деган оталарнинг эл-юрт олдида ҳам, виждони олдида ҳам юзлари ёруғ эмас.

Эл-юртга бош бўлган мўътабар зотлар «Ота» деб эъзозланиши бежиз эмас. Демак, бу унвоннинг улуғлиги ҳам, масъулияти ҳам ўзига хосдир. Донолар айтадилар: «Жаннатни истасанг, онангни рози қил. Жаннат оналар пойидадир. Аллоҳ розилигини тиласанг, отанг дуосини ол. Ота рози — Худо рози». Ота-оналаримизни бошимизга кўтарсак арзийди. Замонлар оша етиб келган қадриятларимиз, меҳр-оқибат бизни шунга ўргатади.

Ривоятларда айтилишича, бир куни Искандар Арастудан сўрабди:

— Дунёнинг саодати нимадандир?

Арасту шундай жавоб қилибди:

— Меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, меҳр-мурувватдандир. Зеро, бу лутфларнинг замирида бир сўз ётибди, у буларнинг онасидир. Бу — меҳр.

— Бу сўзнинг қудрати нимадандир? — сўрабди яна у.

— У одамларга бир умр руҳий куч ато этади. Бегоналарни яқинлаштиради. Бу дунёда яшилик уруғи униб чиқишига доялик қилади, — жавоб қайтарибди аллома.

Бежизга донишманд Форобий «Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари унинг меҳр-муҳаббати, садоқати, ахлоқи билан ўлчанади», дея таъкидламаган.

Машҳур венециялик сайёҳ Марко Поло узоқ вақт Марказий Осиё минтақаси ҳудудида яшаган халқларнинг анъаналари, урф-одатларини ўрганиб, ўз эсдаликларида аждодларимиз томонидан маънавий тарбияда қўлланилган усул ва воситаларга тан берган ҳолда «Нур Шарқдан таралади», деганида оламолам маъно бор. «Ўтмишни унутганнинг келажаги бўлмайди», дейдилар. Биз ўз тарихимизни қанчалик ўргансак, ёш авлодга тўғри таълим беришимизда асқотади. Масалан, Форобий инсоннинг қадр-қимматига, ақл-заковатига, яратувчанлик фаолиятига юксак баҳо бериб, «Инсон ақл-идроки билан ҳайвонот оламидан фарқ қиладиган, ақлий меҳнат қиладиган ижтимоий мавжудотдир», деган фикрни ўртага ташлайди. Юсуф Ҳос Ҳожиб ҳам «Инсонга ақл бериб қўйилган, шунинг учун ҳам у ер юзида ҳар қандай ишни қилишга қодир», деган фикрни илгари сурган.

Аслида, маънавий сарчашмаларимиз илдизи олис ўтмишга бориб тақалади. Улуғ аждодларимиз босиб ўтган йўлни, уларнинг илмий-адабий меросларини ўрганар эканмиз, тарбияга, одоб-ахлоққа нечоғлик юксак эътибор билан қаралганлигига гувоҳ бўламиз.

Яқинда олимлар қизиқарли тадқиқот-таҳлилларини эълон қилдилар. Унга кўра, тарихда жаҳон миқёсида минг нафар аллома ўтган бўлса, беш юз нафари Шарқда, шундан икки юз нафари эса бизнинг ватанимизда камол топган экан. Бу барчамизга жуда катта фахр ва ғурур бағишлабгина қолмай, аждодларимизга муносиб ворис бўлиш масъулиятини ҳам зиммамизга юклайди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиётидан четда қолиб кетиши муқаррар». Юксак интеллектуаллик касб этган жамиятни шакллантириш асосий мақсад ва вазифамизга айланган бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялаш ва такомилга етказиш улуғ савоб иш ҳисобланади.

С.РАҲИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
М.РЎЗИҚУЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Спорт салтанати

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

Турон

Биринчилик якунланди

Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши, «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ва вилоят Турон яккакураш федерацияси томонидан Тошкент туманидаги «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 9- мактабнинг спорт мажмуасида турон яккакураши бўйича Баркамол авлод йилига бағишланган очиқ биринчилик мусобақалари ташкил этилди.

Унда 1993-1994 ҳамда 1995-1996 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги биринчиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 15 га яқин жамоаларидан 300 нафардан зиёд ёшлар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Муросасиз беллашувларда Салоҳиддин Йўлдошев, Қодиржон Ботиров, Асрор Исаев, Достон Эркинов, Ислом Қўзибоев, Шуҳрат Мирбобоев, Одилжон Файзиев, Шерали Назаров, Охун Қаршибоев, Бекзод Сафаров каби ёшлар ўз вазнларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент тумани жамоаси 1-ўринни банд этган бўлса, чирчиқликлар 2-ўринга эгалик қилишди ва пойтахтлик ёш турончилар 3-ўринга лойиқ топилди.

— Илк мусобақанинг завқи бошқача бўларкан, — дейди «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла оқсоқоли Мурод Мирзахалилов. — Қаранг, ёшларнинг қувончини. Шу мусобақа баҳонасида маҳаллаларимиздаги минглаб ёшлар спортга жалб этилди. Кўплаб оилаларга фарзандларининг муваффақияти қувонч бағишлади. Эртага бу ёшларнинг халқаро майдонлардаги ғалабалари халқимизнинг руҳиятини янада кўтарса ажаб эмас.

Якунда мусобақа ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, диплом ва медаллари топширилди.

Кучлилар сараланмоқда

Аёллар футболи

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуида мини футбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон 6- чемпионатининг 1-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда мамлакатимизнинг тўққизта — Қаршининг «Севинч» ва «Олимпия», Нукуснинг «Қирқ қиз», Андижоннинг «Андижанка», Жиззахнинг «Жиззах», Самарқанднинг «Шердор», Тошкент шаҳрининг «Қушбеги олимпик», Чирчиқнинг «Чирчиқ», Наманганнинг «Гулбаҳор» аёллар жамоалари беш кун давомида баҳс олиб боришди.

Кескин ва муросасиз кечган беллашувларда Қаршининг «Севинч» ва «Олимпия» ҳамда Андижоннинг «Андижанка» жамоалари ўзларининг тактик ва техник жиҳатдан рақибларидан устунликларини намойиш этишди. Жиззахнинг «Жиззах», Тошкент шаҳрининг «Қушбеги олимпик» ва Чирчиқнинг «Чирчиқ» жамоалари ҳам мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганини амалда исботлашга ҳаракат қилишди.

Фурсатдан фойдаланиб «Жиззах» жамоаси бошлиғи Зафар Муртазақуловнинг 1-тур таассуротлари билан қизикдик:

—Тўғри, кўзлаган нитижага эриша олмадик. Озгина омад ҳам етишмади, шекилли. Лекин ҳали ҳаммаси олдинда. Энди қолган турларга жиддий тайёргарлик кўрамиз.

— Жамоалар ҳақида фикрингиз.

— Ҳар сафаргидек Қаршининг «Севинч» жамоаси техник ва тактик жиҳатдан рақибларидан устунликларини намойиш этган бўлса, «Олимпия» таркибини анча ёшарганини кўриш мумкин. Қолган жамоалар билан куч синашса бўлади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу мусобақанинг 2-тур ўйинлари 22-26 февралга мўлжалланган бўлса, 3-тур беллашувлари 22-27 мартга режалаштирилган. Ўзбекистон кубоги мусобақалари эса, 12-17 март кунлари «Ёшлик» спорт мажмуида бўлиб ўтади

Футбол

ОЧЛ тўпининг дизайни ўзгарди

Осиё чемпионлар лигаси ўйинларида «Nike» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган тўплардан фойдаланилади.

ОФКнинг «Nike» билан йўлга қўйган ҳамкорлиги натижасида тўпнинг янгича дизайни ишлаб чиқилиб, лигада қатнашадиган жамоаларга юборилди. Айни пайтда «Пахтакор» янги тўпларда машғулот ўтказяпти.

Қизиғи шундаки, «Васлуй» билан бўлиб ўтган ўртоқлик учрашувида икки томон келишувига кўра, биринчи бўлимда ОЧЛнинг янги тўпларида, иккинчи бўлимда эса Европа лигаси баҳсларида ишлатиладиган тўплардан фойдаланилди.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Тошкент вилоят кенгашининг ўқув-спорт ва ходимлар бўлими мудири Нодир Боҳодировга умр йўлдоши

МАТЛУБА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси Халқ банки Хоразм вилоят филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Тожигул Рахимовага турмуш ўртоғи

МАТЁҚУБ аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси Мирзо Улуғбек туман кенгашининг собиқ ҳисобчиси

Муҳаббат БЕГМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 6 феврал, шанба куни чиқади.